# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2021 йил 30 июнь, № 137 (7917) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

**29 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.**

Давлатимиз раҳбари Туркманистон Президентини таваллуд куни билан самимий табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва катта муваффақиятлар, биродар Туркманистон халқига тинчлик-осойишталик ва равнақ тилади.

Суҳбатда икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Олий даражадаги мунтазам ва сермаҳсул мулоқотлар туфайли Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа тармоқларда кооперацияни кенгайтириш, маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштириш борасида биргаликдаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш муҳим экани таъкидланди. Ҳамкорлик бўйича янги лойиҳаларни илгари суришда Ҳукуматлараро комиссия алоҳида ўрин тутиши қайд этилди.

Етакчилар жорий йилда Туркманистонда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувини ташкил этиш масалаларига алоҳида тўхталдилар. Бўлажак кўп томонлама тадбир дастурини пухта тайёрлашга келишиб олинди.

Президентлар халқаро кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашиб, Афғонистондаги, жумладан, ушбу мамлакат шимолий чегараолди ҳудудларидаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ривожланишини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Туркманистон Президентларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек илиқ, дўстона ва ишчан руҳда ўтди.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУДУД ВА ТАРМОҚЛАРНИ РАҚАМЛИ ЎЗГАРТИРИШ БЎЙИЧА 1627 ТА ЛОЙИҲА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

**Тошкентда ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича МДҲ экспертлари форуми бўлиб ўтди.**

Форум Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти томонидан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда МДҲ Ижроия қўмитаси кўмагида ташкил этилди.

Ахборот хавфсизлиги масалаларига бағишланган тадбир гибрид форматда ўтказилиб, унда Ҳамдўстлик мамлакатларининг 60 дан зиёд етакчи экспертлари ва таҳлилий марказларининг вакиллари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда ахборот хавфсизлиги соҳасидаги сўнгги тенденциялар, ноқонуний ҳаракатларга қарши курашишнинг самарали усуллари, киберҳужумларга қарши профилактик чоралар муҳокама қилинди. Келгуси уч йил давомида Ўзбекистонда ҳудуд ва тармоқларни рақамли ўзгартириш бўйича 1627 та лойиҳа амалга оширилиши маълум қилинди.

➡ 2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ЁШ АВЛОД ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда янги Ўзбекистон ёшларига ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишига айланмоқда. Жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишдек умуммиллий мақсадни амалга ошириш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятлари сафарбар этилмоқда.

Бу жараёнда ўз тақдири ва келажагини Ватанимиз тақдири ва истиқболи билан узвий боғлиқ ҳолда кўрадиган, шу йўлда ҳар қандай синов ва машаққатларни енгиб ўтишга, жасорат ва матонат кўрсатишга тайёр бўлган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни чуқур эгаллаган ўғил-қизларимиз сафи тобора кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзининг ижодий ва интеллектуал салоҳияти, танлаган касб йўналиши ва истиқлол ҳаётда эришган муҳим натижалари билан турли соҳаларда юртимиз равнақига, унинг халқаро обрў-эътиборини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган, тенгдошларига ўрнак ва намуна бўлиб келаётган фаол ва етакчи ёшларимизни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида қуйидагилар давлат мукофотлари билан тақдирлансин:

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Саъдуллаев Алишер Зафар ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори

### «Дўстлик» ордени билан

**Абдураимов Беҳзод Абдуразакович** — Америка Қўшма Штатлари Миссури штатидаги Парк университети мусиқа маркази резиденти

**Данияров Абатбай Сапарбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи

**Забродина-Саттарова Инара Наилевна** — Учтепа туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадиий гимнастика бўйича мураббийси, Тошкент шаҳри

**Каттаханова Дилнозахон Собир қизи** — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари

**Норматов Хуршид Абдурашидович** — Фарғона шаҳридаги «Uz-Segang» қўшма корхонаси таъсисчиси, Фарғона вилояти

**Юдаков Александр Андреевич** — Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар маркази катта илмий ходими

### «Келажак бунёдкори» медали билан

**Абдатова Шаҳноза Буриевна** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ховос тумани 16-умумий ўрта таълим мактабидаги бошланғич ташкилоти етакчиси, Сирдарё вилояти

**Абдиназаров Абдурахмон Зокиржон ўғли** — Қизириқ тумани маданият бўлими мутахассиси, Бахши, Сурхондарё вилояти

**Абдуразоқов Оллоёр Алижон ўғли** — Учкўприк туманидаги «Меҳригиё» хусусий корхонасининг экспорт-импорт масалалари бўйича директори, Фарғона вилояти

**Абдурахмонов Нуриддин Улуғбекович** — Хўжаобод туманидаги «Олий стандарт тех» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

(Давоми 2-бетда).

# МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН ДАДИЛ ОДИМЛАМОҚДА

**Танзила НОРБОЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси**

*Маълумки, 2018 йил 22 майда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг сессиясида 30 июнни "Халқаро парламентаризм куни" сифатида белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ана шундан буён бутун дунёда ушбу байрам кенг нишонлаб келинмоқда. Бу сана парламент тизимининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва унинг бутун дунёдаги жамики инсонлар турмушини яхшилашдаги ролини янада ошириш мақсадини ҳам ўзида қамраб олганлигини эслатиш жоиз.*



### Мушоҳада

Буни дунё парламентларининг ривожланиш жараёнлари мисолида ҳам кузатиш қийин эмас. Ҳозирги пайтда 190 дан ортиқ давлатлар ўз парламентига эга, уларнинг деярли 80 тасида икки палатали, қолганларида эса бир палатали қонун чиқарувчи органлар фаолият юритади. Бу, албатта, дунё жамияти учун айни муддаодир. Нега деганда, парламентларнинг асосий вазифаси жамиятдаги турли манфаатларни мамлакат равнақи йўлида бирлаштиришдан иборатдир. Қолаверса, ривожланган мамлакатлардаги парламент давлат ва жамиятнинг бошқа институтлари билан турли алоқалар тизимини йўлга қўйиш бўйича муҳим коммуникация воситаси вазифасини ўтаб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Буни янада соддароқ изоҳлайдиган бўлсак, у давлат ҳамда халқ ўртасида ўзига хос кўприкдир.

➡ 3

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

## «МАРД ЎҒЛОН» ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва иқтидори, интилувчанлиги ва ташаббускорлиги, ҳалол ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, янги Ўзбекистонни барпо этиш ва унинг халқаро нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, халқ манфаати ва юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фидойи ва мард ўғлонларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли йигитларини фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

«Мард ўғлон» давлат мукофоти бўйича кўзда тутилган 28 та мукофот ўрнига 2021 йил учун истисно тариқасида 29 та мукофот берилиши белгилансин.

2. «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланганларга совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари тантанали вазиятда топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Мард ўғлон» давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳибларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 28 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июндаги ПҚ–5164-сон қарорига илова

### «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

**Мадраимов Рустамжон Матқаримович** — Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалининг 4-босқич талабаси (Қорақалпоғистон Республикаси)

**Нурниязов Арман Арзубай ули** — Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалининг 4-босқич талабаси (Қорақалпоғистон Республикаси)

**Бекташев Исломжон Бахтиёр ўғли** — Андижон давлат тиббиёт институтининг 6-босқич талабаси (Андижон вилояти)

**Олимов Хайрулло Холмирзаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси (Андижон вилояти)

**Жумаев Жаҳонгир Уктам ўғли** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармасининг гуруҳ катта мутахассиси (Бухоро вилояти)

**Рахматов Анварбек Зуфаржонович** — Қоракўл туманидаги халқаро математика мактабининг 9-синф ўқувчиси (Бухоро вилояти)

**Сафаров Қодири Қоплонбек Абдужалил ўғли** — Жиззах политехника институтининг 2-босқич талабаси (Жиззах вилояти)

**Турдикулов Ҳамидулла Алишер ўғли** — Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабининг 2-босқич ўқувчиси (Жиззах вилояти)

**Абдурашидов Бобур Камолович** — Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг 4-босқич курсанти (Қашқадарё вилояти)

**Кароматов Давурхон Фозил ўғли** — Қарши давлат университетининг 4-босқич талабаси (Қашқадарё вилояти)

(Давоми 2-бетда).

# «ЁШЛАРГА ДОИР ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ҲЕЧ ОҒИШМАСДАН, ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ»

*Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудида "Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтмоқда. Ушбу фестиваль "30 июнь — Ёшлар куни" арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг беш муҳим ташаббуси доирасида ташкил этилган.*

### Сана

Ёшлар куни муносабати билан юртимиздаги давлат ҳамда нодавлат ташкилотларда истиқбол эгаларини янада фаолликка чақириш, уларнинг билим ва имкониятларини намойиш этишга қаратилган тадбирлар ўтказиляпти. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамкорлигидаги ёш ижодкорларнинг асарларидан тузилган маърифий тадбирлар ҳам шулар жумласидандир.

Олий Мажлис палаталари ҳузурида Ёшлар парламентлари тузилганига ҳам ўн йилдан ошди. Шубҳасиз, ёшлар парламентаризми ёшларга оид давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда йигит-қизларнинг бевосита иштирокини таъминлайдиган самарали механизмдир.

Ёшлар парламентаризми мамлакат ва ҳудуд раҳбарияти билан тўғридан-тўғри алоқа воситаси ҳисобланади. Унинг мақсади ҳаётий фаолият масалаларини ечимида йигит-қизларни бирлаштириш, ёшлар ташкилотининг қонунчилик ҳамда ижро ҳокимияти билан ҳамкорлигини таъминлашдан иборат. Ёшлар парламентаризми — ёшларни давлат ва унинг минтақавий ишларини бошқаришда иштирок этишга жалб қилишнинг мумкин бўлган шаклларидан биридир. Ёшлар парламенти, аслида, ёш сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти ҳамда фуқаролик позициясини оширишнинг янги шакли ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида бу институт ҳам навқирон авлоднинг ўзига хос овозига, минбарига айланиб улгурди.

➡ 4

### Халқаро анжуман

## БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШДА ЯГОНА ВА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ ЗАРУР

*Кеча Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ЮНИСЕФ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ҳамкорлигида "Ҳар бир бола оилавий муҳитда тарбияланишини таъминлаш мақсадида ноинституционаллаштириш Миллий стратегиясини яратишнинг долзарб масалалари" мавзуида халқаро анжуман ўтказилди.*

Унда сенаторлар, халқаро ташкилотлар вакиллари, вазирлик, идоралар мутасаддилари, Ёшлар парламенти аъзолари, хорижий давлатларнинг юртимиздаги элчихоналари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

➡ 3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ЁШ АВЛОД ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Асадуллаева Висола Бехзод қизи** — Андижон шаҳридаги 13-умумий ўрта таълим мактаби 11-синф ўқувчиси, Андижон вилояти

**Атакулова Наргиза Абдиганиевна** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг рух заводи лаборанти, Тошкент вилояти

**Ахмеджанов Музаффар Бахтиёр ўғли** — Наманган шаҳридаги «Даштбоғ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

**Жовлиев Жавлонбек Ортиқович** — Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг таянч докторанти

**Жолдасова Шахноза Батировна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси

**Исламов Самандар Баходир ўғли** — Жиззах шаҳридаги «Самандар ширинликлари» оилавий корхонаси раҳбари, Жиззах вилояти

**Ким Денис Витальевич** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг халқаро алоқалар бўлими бошлиғи

**Мамадиев Фарходбек Қобил ўғли** — Андижон туманидаги «Clasika Shoes International» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

**Мухторов Мардонхўжа Мухаммаджон ўғли** — Бувайда туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Фарғона вилояти

**Муҳаммадюнусова Моҳистара Муҳаммадилхом қизи** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси

**Ортиқов Умиджон Тўхтасин ўғли** — Тошкент давлат шарқшунослик университети академик лицейининг информатика фани ўқитувчиси

**Полвонов Аббосхон Саидаброрхон ўғли** — Поп туманидаги «Chodak nihol tex» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

**Пўлатов Жаҳонгир Холбой ўғли** — Тошкент шаҳридаги «Cambridge» ўқув маркази бош директори

**Рухиддинов Хайрулла Хайриддин ўғли** — Паркент туманидаги 5-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Сайдуллаева Шодиёна Сайфулла қизи** — Навоий шаҳридаги «Minor Millenium» масъулияти чекланган жамиятининг минорали кран машинисти, Навоий вилояти

**Торемуратов Нзаматдиин Бегдиярович** — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Бўзатов тумани бўлими бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ўроқова Маҳлиё Тоштемировна** — Пахтачи туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси, Самарқанд вилояти

**Фарманов Бобур Бахромович** — «Ziyo Forum» илм, фан ва таълим-тарбияни ривожлантириш фонди директори

**Хакимов Сардор Анваржон ўғли** — Олтиариқ туманидаги «Олтиариқ баракали» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Хожиев Дилшодбек Максудбек ўғли** — Тупроққалъа туманидаги «New Best Style» масъулияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқариш цехи бошлиғи, Хоразм вилояти

**Холбоева Шоҳсанам Анваржон қизи** — Тошкент давлат педагогика университетининг 1-босқич магистранти

**Худаёров Уйғун Холмурод ўғли** — Яккабоғ туманидаги «Қорабайир» отчилик мажмуаси чавандози, Қашқадарё вилояти

**Чуянова Елена Алижан қизи** — Халқаро Пресс-клуб бўлим бошлиғи

**Шакиров Саид Равшан Собирович** — Бухоро шаҳридаги «Monday Labs» масъулияти чекланган жамияти директори, Бухоро вилояти

**Шерматова Ирода Бахтиёр қизи** — Тошкент фармацевтика институтининг таянч докторанти

### «Шуҳрат» медали билан

**Абдуллаев Гуломжон Озодович** — Эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Абдимуродов Акмал Абдивохид ўғли** — Сергели туманидаги «Машҳур Тоҳир Зуҳро» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати электриги, Тошкент шаҳри

**Абдуназаров Собир Ибрагимович** — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг ахборот-таҳлил ва ижро назорати бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Абдураззақов Бунёдбек Бегижон ўғли** — Асака туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 10-синф ўқувчиси, Андижон вилояти

**Абжалилова Сабохатхон Соибжон қизи** — Жалақудуқ туманидаги «Ҳарир тола» масъулияти чекланган жамиятининг ипак қурти боқувчиси, Андижон вилояти

**Адҳамжонов Темурбек Бахтиёр ўғли** — «Нажот таълим маркази» нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Тошкент шаҳри

**Артикходжаева Барнохон Алишер қизи** — Ўзбекистон Миллий университетининг таянч докторанти

**Ахмедова Иродахон Шохитбековна** — Республика Маънавият ва маърифат марказининг Андижон вилояти бўлими бош мутахассиси

**Ахмедова Нилуфар Илҳомбой қизи** — Республика ёшлар марказининг Хоразм вилояти бўлинмаси инклюзив таълим тўгараги раҳбари

**Балтабаева Наргиза Бахадировна** — Қорақалпоқ давлат университетининг 1-босқич магистранти, Қорақалпоғистон Республикаси

**Бердимуратов Жалгасбай Карлибай ули** — Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Буранов Отабек Ибрагимович** — Ангор туманидаги «Ангор Сурхон ғурури» масъулияти чекланган жамияти комбайнчиси, Сурхондарё вилояти

**Дайибекова Зайнаб Казбековна** — Қиличбозлик бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Жафаров Саиджамшид Рустам ўғли** — Бухоро давлат университетининг 4-босқич талабаси, Бухоро вилояти

**Жовлиева Севинч Фахриддин қизи** — Яшнобод туманидаги 19-болалар мусиқа ва санъат мактабининг анъанавий хонандалик бўлими ўқувчиси, Тошкент шаҳри

**Жумаев Рамозон Хасанович** — Шўрчи туманидаги «Ҳасан ота асаллари» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Жумаев Эргаш Рузимурадович** — Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Туркия Республикасидаги вакили

**Изатуллаев Шохрух Алишер ўғли** — Бекобод туманидаги «Yuksalish Premier Group» нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Тошкент вилояти

**Исломов Мажидхон Шамсиддинович** — Ургут туманидаги «Ургут саноат сервис» оилавий корхонаси раҳбари, Самарқанд вилояти

**Курбонов Бобур Самадулло ўғли** — Қарши шаҳридаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг чақирувгача ёшларни тайёрлаш раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Қўчқоров Фазлиддин Эргаш ўғли** — Шайхонтоҳур туманидаги «Premium Village» масъулияти чекланган жамияти архитектори, Тошкент шаҳри

**Мамталиева Фотимахон Одилжон қизи** — Олтинкўл туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Матниязова Гулноза Жумабой қизи** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Мустаева Елена Юрьевна** — Наманган шаҳридаги Президент мактаби директори ўринбосари, Наманган вилояти

**Мусурмонов Алишер Қаҳромонович** — Жиззах шаҳридаги «Alitech Website Solutions» хусусий корхонаси раҳбари, Жиззах вилояти

**Реимбаева Саиёра Жолдасбаевна** — Қўнғирот туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Рустамов Руслан Улуғбекович** — Қарши туманидаги «Ruslan Media» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Садуллаева Сафина Эркиновна** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Содиқов Сардор Содиқович** — Қарши шаҳридаги «Global Education in Karshi» нодавлат таълим муассасаси директори, Қашқадарё вилояти

**Сулаймонов Соҳиб Самадович** — Қоровулбозор туманидаги «Buxoro Real Moto» масъулияти чекланган жамияти директори, Бухоро вилояти

**Султонов Абдулазиз Абдурахим ўғли** — «Заковат» интеллектуал клуби нодавлат нотижорат ташкилоти мутахассиси

**Сухинин Никита Викторович** — Юнусобод тумани электр таъминоти корхонаси электр монтёри, Тошкент шаҳри

**Ташов Мизроб Махмудович** — Самарқанд шаҳридаги «Меъмор Ўткир Човка» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

**Турдибекова Ситора Шавкат қизи** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Тўхсанов Шахрилло Ғайбулло ўғли** — Халқаро фрилансерлик платформалари фрилансери, Бухоро вилояти

**Убайдуллаев Абдувохид Мухиддин ўғли** — Бағдод туманидаги «Бағдод замин асали» деҳқон хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Убайдуллаев Нуриддин Тохир ўғли** — Тошкент давлат педагогика университетининг таянч докторанти

**Ўктамова Нигина Жасур қизи** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Умаров Мавсимжон Мамуржонович** — Олтиариқ туманидаги «Мавсум агрологистика» ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари, Фарғона вилояти

**Усенов Саламат Батирханович** — Конимех туманидаги «Конимех-Саржал-Қосай» масъулияти чекланган жамияти бош чўпони, Навоий вилояти

**Хайдаралиев Миржалол Махмуджон ўғли** — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 1-босқич талабаси

**Хакимова Шахнозахон Кахрамон қизи** — Олтинкўл туманидаги ҳунарманд-дўппидўз, Андижон вилояти

**Хатиев Комилжан Жавлиевич** — Мирзачўл туманидаги деҳқон хўжалиги ишчиси, Жиззах вилояти

**Холбаева Наргиза Ибадуллаевна** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Сирдарё вилояти Кенгаши раиси

**Худайшукуров Дилмурод Холмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи

**Цой Владимир Эдуардович** — Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар маркази кичик илмий ходими

**Шарифова Муштарий Ихтиёр қизи** — «Tesla» компаниясининг ахборот технологияларини режалаштириш бўйича таҳлилчиси

**Шодиев Аббос Неъмат ўғли** — Навоий давлат кончилик институтининг металлургия кафедраси доценти, Навоий вилояти

**Юлдашев Ойбек Баходир ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Андижон вилояти бошқармаси бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 29 июнь.

## «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Петров Логин Александрович** — Навоий шаҳридаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси (Навоий вилояти)

**Шаропов Шоҳрух Шавкатович** — Кармана туманидаги «Karmana Al-Aziz Avitsenna» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси (Навоий вилояти)

**Асилбеков Ислом Эгамберди ўғли** — Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг 3-босқич талабаси (Наманган вилояти)

**Умурзаков Бекзод Немат ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Учқўрғон тумани қўриқлаш бўлими сафдор-ходими (Наманган вилояти)

**Абдуллаев Абдурахмон Ферузович** — Самарқанд шаҳридаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси (Самарқанд вилояти)

**Орипов Шахзод Илхом ўғли** — Самарқанд вилояти Ургут тумани фавқулодда вазиятлар бўлимининг ёнғин-қутқарув қисми смена бошлиғи

**Фахриев Жаҳонгир Алишерович** — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 5-босқич талабаси (Самарқанд вилояти)

**Каримов Дилшод Машраб ўғли** — Оқолтин туманидаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари (Сирдарё вилояти)

**Мавлонов Ёрбек Абдуваит ўғли** — Сирдарё вилояти «New Level Shoes» оилавий корхонаси раҳбари

**Аюбжонов Асадбек Ўлмасович** — В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабининг 8-синф ўқувчиси (Сурхондарё вилояти)

**Муродуллоев Маъруфжон Файзулло ўғли** — Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси (Сурхондарё вилояти)

**Авазов Сардоржон Эркин ўғли** — Тошкент давлат аграр университетининг қишлоқ хўжалиги фитопатологияси кафедраси профессори (Тошкент вилояти)

**Умаралиев Фазлиддин Фахритдин ўғли** — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 4-босқич талабаси (Тошкент вилояти)

**Каримов Давлатжон Шермахомот ўғли** — Эркин Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси (Фарғона вилояти)

**Ҳайдаров Темурбек Тоҳиржон ўғли** — Фарғона давлат университетининг 2-босқич талабаси (Фарғона вилояти)

**Жуманиязов Аминзода Ғайратович** — Ўзбекистон давлат академик катта театри етакчи опера солисти (Хоразм вилояти)

**Кўпалбаев Азамат Ғайрат ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари ходими (Хоразм вилояти)

**Абдукаюмов Фирдавс Зохидович** — Тошкент шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси (Тошкент шаҳри)

**Анваров Фазлиддин Убайдулла ўғли** — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг 1-босқич талабаси (Тошкент шаҳри)

## ЎЗБЕКИСТОН – САУДИЯ АРАБИСТОНИ СИЁСИЙ МАСЛАҲАТЛАШУВЛАРИ

*29 июнь куни Ўзбекистон Республикаси ва Саудия Арабистони Қироллиги ташқи ишлар вазирликлари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувларнинг 4-давраси видеоконференция шаклида бўлиб ўтди.*

Делегацияларга Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Фурқат Сидиқов ва Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири ўринбосари Ийд ал-Сақафий бошчилик қилди. Томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг ҳолати ва ривожланиш истиқболларини, шунингдек, халқаро ва минтақавий масалалар бўйича ўзаро ҳамкорликни муҳокама қилдилар.

Тадбирда Саудия томони сўнгги йилларда Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотларни алоҳида эътироф этди. Бу икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очмоқда.

Ҳозирги босқичда Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланаётгани, икки томонлама фаол сиёсий мулоқот олиб борилаётгани, БМТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида шериклик амалга оширилаётгани қайд этилди. Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик масалалари, ўзаро савдо ҳажми ва турларини янада кўпайтириш, томонлар учун устувор йўналишларда қўшма лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бўлажак турли даражадаги қўшма тадбирлар жадвали ва ташкилий жиҳатлари кўриб чиқилди. 2021 йил 15-16 июль кунлари Тошкентда ўтадиган "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзуидаги халқаро конференцияда Саудия Арабистони томонининг юқори даражада иштироки билан боғлиқ ташкилий масалалар ҳам муҳокама қилинди.

**Гулруҳ АБДУЛЛАЕВА, ЎзА мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУДУД ВА ТАРМОҚЛАРНИ РАҚАМЛИ ЎЗГАРТИРИШ БЎЙИЧА 1627 ТА ЛОЙИҲА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

1

Қайд этилишича, тезкор рақамлаштириш шароитида ахборот хавфсизлиги, молия, кредит ва банк соҳаларида кибержиноятлар сони кўпайиб бормоқда. Бу давлатларнинг иқтисодий хавфсизлигига жиддий таъсир қилиши мумкин. Фирибгарликлар натижасида шахсга оид маълумотларни ноқонуний йиғиш ва улардан фойдаланиш орқали инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг асосий тамойиллари, шу жумладан, шахсий ҳаёти дахлсизлиги бузилмоқда.

МДҲга аъзо давлатлар миллий даражада ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

"Жамиятни рақамли ривожлантириш соҳасида МДҲга аъзо давлатларнинг ўзаро алоқалари тўғрисидаги битим", "Ахборот хавфсизлигини таъминлаш стратегияси", "Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида МДҲга аъзо давлатларнинг ҳамкорлиги тўғрисида"ги давлатлараро ҳамкорликнинг мақсадлари ва тамойилларини белгилайдиган қатор тармоқ ҳужжатлари қабул қилинди.

— Ахборот хавфсизлиги ва АКТ соҳасидаги жиноятчиликка қарши кураш, рақамли иқтисодиёт ва рақамли кўникмаларни ривожлантириш бўйича хорижликлар билан ҳамкорликни давом эттириш асосий йўналишимиз бўлиб қолмоқда. Кибертаҳдидларга қарши курашиш бўйича илғор технологияларни мамлакатимизга олиб келишга ҳаракат қиляпмиз, — деди Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти бўлим раҳбари Темур Аҳмедов.

Таъкидландики, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегияси тасдиқланди ва изчил амалга оширилмоқда. Ҳужжатга мувофиқ, телекоммуникация, коммунал хизматлар, иқтисодиётнинг реал сектори, соғлиқни сақлаш, давлат кадастри ва бошқаларга рақамли технологияларни жорий қилиш билан боғлиқ узоқ муддатли масалалар ҳал қилинмоқда.

2020 — 2022 йилларда бутун мамлакат бўйлаб аҳоли пунктларини интернет билан қамраб олиш даражасини ошириш, хусусан, кенг полосали уланиш портларини 2,5 миллион донага етказиш, 20 минг километр оптик толали кабелларни ётқизиш режалаштирилган.

— Мазкур форум Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилмоқда. МДҲ давлатлари доирасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва хавфсизлик масалаларига бағишланган тадбирлар ўзаро ҳамкорлигимиз ифодасидир. Ахборот хавфсизлигини тўғри ислоҳ қилишда битта давлатнинг саъй-ҳаракатлари етмайди. Шу боис хорижий мутахассислар тажрибаси муҳим роль ўйнайди. Бугунги кунда рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2,2 фоизни ташкил этмоқда. Рақамли иқтисодиётнинг Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2023 йилга қадар икки баробарга, электрон ҳукумат хизматлари улушини эса 2022 йилга келиб 60 фоизгача ошириш режалаштирилган, — деди Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғи Ғолибшер Зияев.

Иштирокчилар Ҳамдўстлик давлатлари ҳукуматлари учун инновацион ривожланиш стратегиясини, шу жумладан, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш, рақамли иқтисодиёт, шунингдек, ушбу соҳада ихтисослашган мутахассисларни тайёрлаш бўйича амалий таклифларни ўз ичига олган якуний ҳужжатни қабул қилди.

**Беҳруз ХУДОЙБЕРДИЕВ, ЎзА мухбири.**

# МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН ДАДИЛ ОДИМЛАМОҚДА

1

Шу сабабли ҳам парламентаризмнинг нечоғли ривожига қараб, демократик тараққиёт, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинлигига риоя қилиниши ҳамда жамият равнақи даражасини белгиласа бўлади.

Ана шу мезондан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, охирги беш йилда миллий парламентимиз ривожланди, яъни тараққиёт йўлидан дадил одимламоқда. Буни юртдошларимиз кўриб-билиб турибди. Энг муҳими, биз эришган ютуқлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам тез-тез эътироф этиб келинмоқда.

Ёдингизда бўлса, Ҳаракатлар стратегияси доирасида 2017 йилдан Сенат фаолиятида кенг кўламли ислоҳотлар бошланган эди. Ўтган йиллар давомида парламентимиз халққа яқинлашди — сенаторлар фақат қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш билан чекланиб қолмасдан, жойларда аҳоли билан учрашиб, уларни қийнаётган муаммоларга ечим топишга киришди.

Сенат ҳузурида махсус комиссия тузилди, ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат олиб бориш бўйича ваколатлари кенгайтирилди. Парламент ва ижро ҳокимияти ҳамкорлиги кучайтирилди. Ялпи мажлисларда маҳаллий ҳокимият ҳамда давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб бориш тизими йўлга қўйилди.

Ўтган йилдан бошлаб Сенатнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлиги янгича суръат олди. Бу борада 13 та қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, маҳаллий Кенгашлар ваколатлари кенгайтирилгани муҳим омил бўлмоқда. Маҳаллий Кенгашларда алоҳида котибиятлар ташкил этилди. Ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида доимий асосда ишловчи сенаторлар ҳудудлардаги маҳаллий Кенгашларга масъул сифатида бириктирилди. Шунингдек, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси билан ҳамкорликда маҳаллий Кенгашлар депутатлари учун махсус ўқув курслари йўлга қўйилди.

Шу тариқа охирги йилларда давлатимиз қонун чиқарувчи олий органининг ўрни юксалди. Муҳими, унинг фаолиятидаги тизимли янгиланишлар бир зум бўлса-да тўхтаб қолгани йўқ. Мамлакатимиз раҳбари ҳокимият вакиллик органлари фаолиятига катта эътибор қаратиб, улар билан доимий мулоқот қилиб келаётгани бизни янги марраларга илҳомлантирмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ҳар йили Олий Мажлисга йўлланаётган Мурожаатномалар миллий парламентимиз фаолиятини мутлақо янги изга солиб юборди. Ана шу Мурожаатномалар асосида қабул қилинаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид давлат дастурлари ижроси парламент томонидан назоратга олиниб, бу борадаги муаммолар тегишли идоралар кўмагида ҳал қилинаётгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Такрор бўлса-да, айтиш жоизки, мамлакатимиз парламенти бугун мутлақо янгича шароитда фаолият олиб бораётир. Яъни бугун даврнинг ўзи олдимизга қатор янги вазифаларни қўя бошлади. Масалан, аҳоли томонидан кўтарилган долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ дастур ва "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш, уларни мутасадди идоралар томонидан тўлиқ амалга ошириш, шу йўналишдаги ишлар бажарилиши юзасидан парламент назоратини ўрнатиш ана шулар жумласидандир. Бугун Олий Мажлис Сенати ҳудудий вакиллик органи сифатида ўз олдига қўйилган вазифаларга алоҳида масъулият билан ёндашиб, уларни ўзининг ваколатлари доирасида ҳал этиб келяпти. Жумладан, Сенат қўмиталарининг жойлардаги маҳаллий Кенгашларнинг доимий ишлайдиган комиссиялари ва уларда фаолият юритаётган депутатлар билан биргаликда ишлаш тизими йўлга қўйилди.

Кейинги йилларда маҳаллий Кенгашларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ижро этувчи ҳокимият идоралари фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва одамларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал қилиш борасидаги улкан салоҳияти ҳам юзага чиқяпти. Бу борадаги ишлар, аввало, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг билим ҳамда кўникмаси даражасини ошириш учун семинар ва ўқувлар ташкил этишдан бошланди. Бу маҳаллий Кенгашлар фаоллигини тубдан ошириш, уларнинг ваколатларидан кенг фойдаланиш имконини бераётгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Маҳаллий Кенгашларда депутатлар муаммоларни муҳокама этиши учун алоҳида "депутатлар хонаси" ва "сенаторлар хонаси" ташкил этилди, аҳолини қабул қилиши учун барча шароит яратилди.

Бундай изчиллик ҳамда ҳамкорлик пандемия даврида ҳам қўл келмоқда. Хусусан, карантин даврида бутун мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёзган "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида аҳолининг кам таъминланган ҳамда муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жараёнида сенатор ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари янада жипслашди. Улар биргаликда одамлар билан елкама-елка туриб, муҳтожларга ёрдам бермоқда, ажратилган моддий ёрдам ўз эгаларига манзилли етиб бориши, бу борада мамалакатимизда жорий этилган "темир дафтар", "аёллар дафтари", "ёшлар дафтари"га киритилган юртдошларимизга кўрсатилаётган ёрдам устидан қатъий назорат ўрнатилди.

Кузатувларимдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, бундай натижалар ўз-ўзидан бўлиб қолавермайди. Аксинча, қаердаки изланиш, интилиш ва рағбат бўлса, ўша жойда тараққиётга эришилади. Гап шундаки, сўнгги уч йилда Ўзбекистон улкан ислоҳотлар палласига қадам қўйди ҳамда кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари жадал тус олдики, бу парламентимиз ривожига ҳам таъсир қилмасдан қолмади. Жамиятдаги ҳар бир янгиланиш парламентаризмнинг ҳам янги имкониятларини очмоқда, десак, тўғри бўлади. Хусусан, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг мустақиллиги таъминланди, парламентимиз ваколатлари кенгайтирилиб, унинг зиммасига юклатилган вазифалар тўлиқ бажарилиши учун шарт-шароит яратилди.

Қонун лойиҳаларини маҳаллий Кенгашларда муҳокама қилиш амалиёти йўлга қўйилиши ҳисобига ҳудудлар манфаатлари уларда акс эттирилишига эришиляпти. Шу билан бирга, Президент Фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари ҳамда "йўл хариталари"нинг бажарилиши юзасидан давлат идоралари, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш амалиёти ҳаётга татбиқ этилди. Бу бугун қандай самара бераётганлигини ҳар биримиз кўриб турибмиз.

Шу ўринда айтиш керакки, бизнинг миллий мақсадларимиз БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)га уйғун бўлиб, бу борада ҳам улкан ишлар қилинганлигини юртдошларимиз ҳам, хорижликлар ҳам эътироф этмоқда. Бундай илиқ сўзларни яқинда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган халқаро форум давомида кўп марта эшитдик.

Дарҳақиқат, бугун парламентимиз қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш жараёнларида фаол иштирок этиб келяпти. БРМ парламентнинг конституциявий ваколатлари, хусусан, миллий қонунлар қабул қилиш, бюджет ва парламент назорати орқали ҳаётга татбиқ қилиняпти. Парламент аъзолари 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибида кўзда тутилган барча вазифалар ижроси жараёнида масъулият ҳамда шаффофликка катта эътибор қаратмоқда.

Парламентнинг назорат функциясидан самарали фойдаланиш БРМга эришишнинг муҳим омили ҳисобланади. Чунки айнан парламент назорати бу мақсадларга эришиш борасидаги ишлар ҳолатини холисона баҳолаш имконини беради. Шу боис ўтган йили Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси тузилди. Ўзининг қонун ижодкорлиги ҳамда назорат қилувчи ваколатларидан фойдаланган ҳолда, Олий Мажлис палаталари барқарор ривожланиш мақсад ва вазифаларини амалга оширишда фаоллик кўрсатмоқда.

Мазкур комиссиянинг айрим вазифалари хусусида тўхталсак, у ҳақдаги тасаввурларимиз янада кенгаяди. Бу тузилма Мувофиқлаштирувчи кенгашга юкланган вазифаларнинг бажарилиши устидан назорат қилади ва унга бу борада кўмаклашади. Шунингдек, унинг ҳисоботларини ҳар чоракда бир марта эшитиб боради ҳамда қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлайди. Бундан ташқари, шу йўналишдаги қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторинг қилиб боради, миллий мақсад ва вазифаларга киритилган соҳаларнинг ривожини танқидий таҳлил қилади, барқарор ривожлантириш соҳасидаги ишларнинг амалдаги ҳолатини аниқлайди, бу йўналишдаги илғор хорижий тажрибани ўрганади ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда фаол қатнашади.

Шу билан бирга, Ҳукумат тақдим этадиган йиллик бюджет параметрлари етарли эканлиги ва миллий барқарор ривожланиш мақсадларини Ўзбекистонда амалга ошириш бўйича режага мослигини кўриб чиқади, зарурат бўлса, кейинги йилга мўлжалланган Давлат бюджети ҳамда Давлат бюджети тўғрисидаги қонунга ўзгартишлар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлайди, БРМ борасидаги ютуқларни кенг ёритиш мақсадида жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлайди.

Ана шу вазифалар асосида бугун Парламент комиссияси томонидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ўтган йили бу тузилма томонидан республика ҳудудларида миллий барқарор ривожланиш мақсадларидан ҳисобланган — камбағалликни қисқартириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, оналар ва болаларни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳолат ўрганиб чиқилганини эслатиш жоиз. Тадқиқотда 37 та миллий вазифа ва 50 дан зиёд кўрсаткичлар қамраб олинган бўлиб, унда 19 та давлат органи раҳбарлари ҳисоботлари эшитилди. БРМнинг миллий мақсадлари асосида Ҳукумат вакилларига Олий Мажлис томонидан 27 та парламент, 388 та сенаторлик ва 338 та депутатлик сўровлари юборилгани ҳам эътиборга молик.

Умуман, миллий парламентимизни БРМ ижросига кенг жалб этиш орқали Парламентлараро Иттифоқ ва БМТ билан алоқаларимиз янада мустаҳкамланади. Кейинги йиллардаги саъй-ҳаракатларимиз ҳамда қўлга киритилаётган натижаларимиз ҳам шундан далолат бериб турибди.

БРМга эришиш йўлида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари салоҳиятидан унумли фойдаланилаётганини қайд этиб ўтсак адолатдан бўлади. Шу мақсадда улар сенаторлар раҳбарлигида ҳар бир мақсад бўйича қабул қилинган ҳужжатларнинг жойларда бажарилишини ўрганиб бормоқда, юзага келган муаммоларни амалий ҳал этиш чораларини кўрмоқда. Агар бу муаммоларни маҳаллий ёки ҳудудий даражада ҳал қилиш қийин бўлса, улар Сенатга олиб чиқиляпти. Айнан шу саъй-ҳаракатлар парламентимиз юқори палатасининг обрўси юксалиши ва халқимизнинг унга бўлган ишончи ортиб боришига хизмат қилмоқда, десак, айни ҳақиқатдир.

Парламент ва жамоатчилик эшитувлари ҳам миллий парламентимизнинг энг муҳим йўналишларидан бирига айланиб улгурди. Натижада олдимизга қўйилган вазифаларнинг ҳар бири ижроси юзасидан аниқ манзилли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, мавжуд муаммолар ечими юзасидан Сенатнинг тегишли қарорлари асосида Ҳукумат олдига қатор вазифалар қўйиляпти. Бу ўз самарасини беряпти, аниқроқ айтсак, жойларда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларга бирин-кетин ечим топилмоқда.

Бугун миллий парламентимиз фаолияти давлатимиз ва жамиятимиз учун муҳим бўлган йўналишларда жадал ривожланмоқда. Бу парламент қошидаги турли тузилма ҳамда институтлар фаолияти сезиларли даражада ошиб бораётганида ҳам кузатилади. Бугун улар ишида самара яққол сезиляпти. Улардан бири — Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссияси. Унинг Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлиги натижасида юртимизда болалар меҳнатига ва тизимли мажбурий меҳнатга барҳам берилди, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар тобора камайиб боришига эришилмоқда.

Бу борадаги ютуқларимиз дунё бўйича ҳам тан олинаётгани барчамизни мамнун этади. Хусусан, АҚШнинг собиқ Давлат котиби М. Помпеонинг одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашишга бағишланган йиллик ҳисоботида келтирилган: "Марказий Осиёнинг баъзи мамлакатлари одамларни пахта саноати ва бошқа соҳаларда ишлашга мажбурлаш бўйича узоқ тарихга эга. Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракати минтақа давлатлари учун ушбу муаммога қарши курашнинг янги стандартларини намойиш этмоқда", деган эътирофини эслаш ўринлидир. Бу давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар ҳамда шу янгиланишларга камарбаста бўлиб келаётган парламентимизнинг ҳам катта ютуғи ҳисобланади.

Миллий парламентимиз муваффақияти хусусида сўз бораркан, гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласини алоҳида тилга олиш керак. Негаки, охирги бир неча йилда бу йўналишда жуда катта йўлни босиб ўтдик. Аниқроқ айтадиган бўлсак, аёллар ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш давлатимиз сиёсатидаги устувор йўналишлардан бири даражасига кўтарилди. Натижада Олий Мажлис Сенатида гендер комиссияси ҳамда Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси фаолияти йўлга қўйилди. Ўтган йили парламентимиз томонидан иккита муҳим ҳужжат, яъни "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида", шунингдек, "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди ҳамда 2030 йилга қадар мўлжалланган Гендер тенгликни таъминлаш юзасидан миллий стратегия ишлаб чиқилди.

Шу саъй-ҳаракатларимиз натижасида давлат миқёсида қарорлар қабул қилиш жараёнида аёллар иштироки кучайди, уларни депутат, сенатор, вазир, ҳоким ва элчи каби масъулиятли лавозимларга сайлаш ҳамда тасдиқлаш бугунга келиб оддий ҳолга айланиб бормоқда. Гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилган ишларнинг натижаси сифатида дунё парламентлари орасида Ўзбекистон 45-ўринни эгаллаганини эътироф этиш мумкин.

Бундай муваффақиятлар Олий Мажлиснинг мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишга ва илгари суришга асосланган ташқи сиёсий фаолиятининг фаол иштирокчисига айланиб бораётгани мисолида ҳам кўзга яққол ташланади. Сўнгги йилларда Олий Мажлис Парламентлараро Иттифоқ, МДҲ Парламент Ассамблеяси, ЕХҲТ Парламентлараро Ассамблеяси каби қатор нуфузли парламентлараро уюшмаларга аъзо бўлиб кирди. Шунингдек, Туркий тилли давлатлар Парламент ассамблеясига аъзо бўлиб киришга тайёргарлик кўрилмоқда.

Бу борадаги тасаввурларимизни ойдинлаштириш учун шу йилнинг ўтган даврида кузатилган айрим муҳим воқеаларни яна бир карра ёдга олиб ўтиш кифоя, деб ўйлайман. Масалан, 2021 йил 26 майда видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган "Бугунги кунда пандемияни енгиш ва эртанги яхши ҳаётни таъминлаш: парламентлар роли" мавзуидаги Парламентлараро Иттифоқ Ассамблеяси 142-сессиясининг очилиш маросимида парламентимиз вакиллари ҳам фаол қатнашди. Бу тадбирнинг нечоғли нуфузга эгалигини унда ПА Раиси Д. Пачеко, Иттифоқ Бош котиби М. Чунгонг, Парламентларнинг аёл аъзолари форуми бюроси раҳбари Р. Ал-Мансурий ва Парламентларнинг ёш аъзолари форуми кенгаши раҳбари С. Ал-Базар ҳамда миллий парламентлар раҳбарлари иштирок этганидан ҳам билиб олиш мумкин.

Конференцияда коронавирус инфекциясига қарши курашиш вазияти, пандемия натижасида юзага келган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларни енгиб ўтиш йўллари ҳамда жаҳон мамлакатлари парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик масалалари чуқур таҳлил қилинди. Ана шу жараёнларда биз фаол қатнашиб, мамлакатимизда коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, тадбиркорларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш, коронавирусга қарши аҳолини эмлаш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида батафсил ахборот бердик.

Жорий йилнинг 2-3 июнь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тарғиб қилишда парламентнинг роли: ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш ва қийноқларга қарши курашиш" мавзуидаги парламент форумини ҳам эслаб ўтиш даркор.

Форумда бир қатор муҳим масалалар, шу жумладан, БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳаси бўйича тизими фаолиятида парламентнинг иштироки, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилишнинг аҳамияти, Қийноқларга қарши конвенцияга Қўшимча протоколни ратификация қилиш орқали қийноқларни бартараф этиш масалалари кенг муҳокама қилинди. Шу билан бирга, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва БМТ шартномавий органлари билан ҳамкорлик, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг бажарилиши ҳамда миллий превентив механизм салоҳиятини кучайтириш бўйича илғор тажрибалар ўрганилди.

Кези келганда айтиш керакки, бу каби нуфузли халқаро анжуманлар миллий парламентимиз фаолиятини янада кучайтиришда ўзига хос туртки вазифасини ўтамоқда. Ижобий маънодаги бундай таъсир бошқа давлатлар парламентлари билан йўлга қўйилаётган ҳамкорлик алоқалари жараёнида ҳам кузатилади.

Жумладан, жорий йилда Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати делегациясининг Россияга расмий ташрифи уюштирилди. Шунингдек, Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати Раиси Маулен Ашимбаев бошчилигидаги парламент делегацияси расмий ташриф билан юртимизга келди.

Ушбу ташрифлар Ўзбекистон, Россия Федерацияси ва Қозоғистон давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга катта аҳамият берилаётганининг амалий ифодаси бўлди, дейиш мумкин. Дарҳақиқат, сўнгги 4 йил ичида сиёсий, савдо-иқтисодий ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқалар юқори даражага кўтарилди.

Мамлакатларимиз манфаатларига жавоб берадиган икки томонлама сиёсий, иқтисодий, маданий ва гуманитар соҳалардаги алоқалар суръатига мос ҳолда Ўзбекистоннинг Россия Федерацияси ҳамда Қозоғистон ўртасидаги парламентлараро мулоқоти бутунлай янги босқичга кўтарилди. Масалан, томонлар парламент фаолияти тажрибасини ўрганиш учун доимий равишда делегацияларнинг ўзаро ташрифларини уюштирмоқда, турли халқаро конференция ва парламент ташкилотлари ишида мунтазам қатнашиб келмоқда.

Ҳамкасбларимизнинг мулоқотлари давомида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтириш, ихтисослаштирилган қўмиталар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, халқаро парламент тузилмалари (ПИ, ЕХҲТ ПА, МДҲ ПА) ҳамда бошқа қатор халқаро ташкилотлар доирасида умумий ташаббусларни илгари суриш, депутатлар ўртасида ҳудудлараро ҳамкорлик ўрнатиш, ҳуқуқий базани тезликда шакллантириш, пандемия салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган амалий чора-тадбирлар кўрилишини таъминлаш масалалари атрофлича муҳокама қилиниб, муайян келишувларга эришилди. Бу, албатта, мамлакатлар парламентларининг янада ривожланишида муҳим ўрин тутиши, шубҳасиз.

Шундай қилиб, охирги йилларда миллий парламентимиз ривожланиш йўлини босиб ўтди, муҳими, бу жараён изчиллик билан давом эттирилмоқда. Натижаларимизни мухтасар айтадиган бўлсак, ислоҳотларнинг жадал суръати, уларнинг қонуний асосини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида ҳудудлар манфаатларига мос қонунлар ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилинишига эришиляпти. Вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, ҳокимлар ҳамда сектор раҳбарлари Сенат олдида ҳисобот ва ахборотлар тақдим этиши ҳисобига халқ ҳокимиятчилиги устуворлиги таъминланмоқда. Шу саъй-ҳаракатларимизнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш амалиёти йўлга қўйилганини ҳам айтиб ўтиш зарур.

Шуларга мос равишда фуқаролар мурожаатлари билан ишлашда янгича тизимга ўтилди. Табиийки, биз ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири бор, деган оддий тамойилдан келиб чиқиб, мурожаатларга ижобий ечим топишга ҳаракат қиляпмиз.

"Халқаро парламентаризм куни" муносабати билан охирги йилларда миллий парламентимиз қўлга киритган ютуқларнинг айримларини ёдга олдик, холос. Аслида бу борада эришган ютуқларимиз салмоғи жуда катта. Шуларга мос равишда олдимизда турган ўта долзарб вазифалар, муаммолар ҳам кўп. Биз ҳозиргидек изчиллик, изланувчанлик ва фаол ҳамкорлик ёрдамида ушбу вазифаларнинг бажарилишини таъминлаймиз, албатта.

> **М. ПОМПЕО,**
> **АҚШнинг собиқ Давлат котиби:**
>
> *Марказий Осиёнинг баъзи мамлакатлари одамларни пахта саноати ва бошқа соҳаларда ишлашга мажбурлаш бўйича узоқ тарихга эга. Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракати минтақа давлатлари учун ушбу муаммога қарши курашнинг янги стандартларини намойиш этмоқда.*

## БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШДА ЯГОНА ВА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ ЗАРУР

1

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева сўзга чиқди.

— Бу борада қонунчилик базаси такомиллаштириб борилмоқда, хусусан, сўнгги йилларда қабул қилинган "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги, "Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида"ги қонунларда бола ҳуқуқларининг кафолатлари таъминланиши билан боғлиқ муносабатлар иштирокчилари ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ акс эттирилган, — деди Сенат Раиси. — Юртимизда болалар омбудсмани институти фаолият бошлагани ҳамда болалар меҳнатига мутлақо чек қўйилгани ҳам халқаро ҳамжамият томонидан эътироф қилинмоқда. Қолаверса, Сенат қарорида чин етимлар, ота-она қарамоғидан маҳрум болаларни Меҳрибонлик уйларига жойлаштириш энг сўнгги чора эканлиги, бундай болаларни оилалар тарбиясига бериш асосий вазифалигига алоҳида эътибор қаратиш белгилаб қўйилган.

Яна бир жиҳат. Шу йил 1 январь ҳолатига республика бўйича жами 71,6 минг нафар бола васийлик ва ҳомийлик органлари назоратига олинган. 2019 йилнинг 1 мартидан бошлаб оилага тарбияга олинган ҳар бир бола учун тўланадиган нафақа 1,3 баробар оширилди. 2011 — 2020 йилларда Меҳрибонлик уйларини тугатган ҳамда уй-жойга муҳтож 1 минг 188 битирувчининг 610 нафарига уй-жой берилди. Сенат ташаббуси билан жорий йилда Давлат бюджетидан 50 миллиард сўм маблағ ажратилиб, Меҳрибонлик уйларининг 900 нафар битирувчисини уй-жой билан таъминлашга йўналтирилди.

Анжуманда Ўзбекистондаги болаларни парваришлаш тизимини ислоҳ қилиш борасидаги ҳолат атрофлича муҳокама этилди. Қолаверса, болалар парваришининг замонавий тизимини ишлаб чиқиш бўйича энг илғор халқаро ва миллий тажриба ўрганилди.

Таъкидланганидек, халқаро даражада болаларни парваришлаш соҳаси буткул ўзгармоқда, яъни йирик муассасалар ўрнига оилавий ва жамоатчилик асосидаги хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилмоқда. Шулардан келиб чиқиб, тадбир иштирокчилари томонидан Ўзбекистонда ноинституционаллаштириш жараёнини тезлаштириш юзасидан тавсиялар берилди.

**«Халқ сўзи».**

## Давра суҳбати

*Олий Мажлис Сенати ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамкорлигида "Ўзбекистонда инновацион ривожланишни таъминлашнинг устувор йўналишлари" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.*

## СТРАТЕГИЯ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Унда Ўзбекистонда инновацион ривожланишни таъминлашнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида ишлаб чиқилган 2022 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси лойиҳаси муҳокама қилинди.

Иштирокчилар томонидан ушбу стратегия Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантиришнинг устувор йўналишларини тасдиқлаш, иқтисодиётнинг барча тармоғи ва аҳоли кундалик ҳаётида инновация ҳамда технологиялар кенг кириб бориши, миллий иқтисодиётнинг жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини ошириш, инновация тизимининг ягона циклини яратиш, инсон капитали сифатини яхшилаш мақсадида ишлаб чиқилганлиги қайд этилди.

Давра суҳбатида ёшларнинг ижодий ва инновацион қобилияти ҳамда инновацион тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, микро ва макро даражаларда инновацион фаолиятни амалга ошириш ҳамда ривожлантириш, соҳа учун етук мутахассисларни кўпайтириш, мамлакатнинг халқаро майдондаги илмий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган миллий инновация инфратузилмасини шакллантириш каби қатор масалалар кўриб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**

# ИЖТИМОИЙ ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ УЧУН ҚАЙСИ МЕЗОНЛАРГА АМАЛ ҚИЛИШ КЕРАК?

*Халқаро миқёсда трансмиллий жиноятга айланган коррупция муаммосига дунёнинг деярли барча мамлакати дуч келмоқда. Унинг зарари нафақат халқ манфаати йўлида амалга оширилаётган ўзгаришларга, балки мамлакатнинг халқаро нуфузи, инвестициявий жозибадорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмасдан қолмаяпти.*



Очиқлик ва ошкоралик йўлидан илдам бораётган мамлакатимизда ҳам коррупциянинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида юқоридаги фикрлар яна бир бор қайд этилиб, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Амалдаги қонун ҳужжатларида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маърузани кўриб чиқиш тартиби, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ходимларининг қамоқда сақлаш жойларига монеликсиз кириши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берган шахсларнинг ҳимояси давлат томонидан кафолатланиши белгиланмоқда.

Депутатлар киритилаётган ўзгаришларни яна бир бор муҳокама қилиб, қонун лойиҳасини маъқуллади ва “Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишга киришди.

Хўш, ижтимоий тадбиркорлик нима ва у нима учун керак?

Ижтимоий тадбиркорлик — бу аҳолининг заиф қатлами турмушини яхшилашга қаратилган фаолият тури бўлиб, унда ногиронлар, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлар, хавфли касалликка чалинганлар, Меҳрибонлик уйлари битирувчилари, жазодан озод қилинганлар, парваришга муҳтож кексалар ҳамда муомалага лаёқатсиз шахсларни иш билан таъминлаш назарда тутилган.

Ижтимоий тадбиркорлик катта фойдага йўналтирилган бизнес эмас, давлатнинг ижтимоий соҳадаги маълум бир функцияларини давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорлик субъектларига ҳам йўналтиришдир. Ижтимоий тадбиркорлик билан шуғулланиш учун эса ишчи ходимлар умумий сонининг 70 фоизи заиф қатламга мансуб шахслар бўлиши ва уларга ҳақ тўлаш умумий фонднинг камида шунча фоизига етиши, корхонага тушумнинг камида 50 фоизини ижтимоий товарлар сотиш ёки хизматлар кўрсатишдан тушган тушум ташкил этиши лозим. Шунингдек, маҳсулотларининг камида 50 фоизи мазкур товарларнинг таннархида ёки таннархидан паст бўлган нархларда чакана савдо орқали аҳолига сотилиши керак.

Давлат солиқ қўмитаси вакили фракция раҳбари Алишер Қодировнинг бундай фаолият билан шуғулланаётган корхоналар солиқ тўловлари бўйича қандай имтиёзларга эга бўлади, деган мазмундаги саволига жавоб берар экан, бу каби корхоналарга фойда солиғи ва ижтимоий солиқларни тўлашда имтиёзлар берилишини маълум қилди. Шунингдек, улар давлат томонидан ҳам қўллаб-қувватланиб, имтиёзлар ҳамда преференциялар, ижтимоий лойиҳа харажатларига субсидиялар берилади.

Фракция йиғилишида Жиноят кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси ҳам қизғин муҳокама қилинди.

# АҲОЛИГА САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИ КЎРСАТИШ ҲОЛАТИ ЎРГАНИЛДИ

*Бугунги кунда республика санитария-эпидемиология хизмати ҳузуридаги муассасаларда 235 та лаборатория мавжуд. Шулардан 7 таси республика, 23 таси ҳудудий ва 205 таси туман ҳамда шаҳар даражасида фаолият юритади. Хўш, бу камми ёки кўпми? Ҳудудлар бўйича лабораторияларга бўлган эҳтиёж аниқланганми, қамров етарлими? Жиҳозланишнинг аҳволи қониқарлими? Уларга қандай ечим топиляпти?*

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмиталари томонидан тадбир ўтказилди. Унда аҳолига санитария-эпидемиология хизмати кўрсатилиши ҳамда ҳудудлардаги санитария-эпидемиология лабораторияларининг жиҳозланиш ҳолатини Сирдарё ва Жиззах вилоятлари мисолида ўрганиш якунлари муҳокама қилинди. Шунингдек, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг ахбороти ҳам эшитилди.

Юқоридаги саволлар атрофида ахборот берувчи қуйидагиларни баён қилди: мазкур хизмат Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 235 та лабораториянинг ҳолатини ўрганиб, уларни илғор ускуналар билан таъминлаш юзасидан тегишли чораларни белгилаб олган. Йўналтирилиши режа қилинган 200 миллион АҚШ доллари ҳисобидан Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини яхшилаш режалаштирилган.

Мамлакатимизда COVID-19 га қарши эмлаш жараёни шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб босқичма-босқич олиб борилмоқда. Эмлаш ишлари ҳозирда республикадаги 3 минг 138 та ДПМнинг эмлаш пунктлари ва 862 та ҳаракатдаги бригада томонидан амалга ошириляпти.

Юртимизда пандемияга қарши курашиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган бўлиб, Президентимизнинг 2021 йил 3 февралдаги Фармони билан тасдиқланган “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 177-бандида республика аҳолисини коронавирусга қарши профилактик бепул эмлаш ишларини ташкил этиш белгиланган. Молия вазирлиги томонидан эмлаш тадбирларини талаб даражасида ўтказиш учун Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг ҳисоб-китоблари асосида 6 782 300 200 сўм маблағ ажратилган.

Бугунги кунда нафақат 65 ёшдан катталар, тиббиёт ходимлари, сурункали касаллиги борлар, мактаб ўқитувчилари, мактабгача таълим ташкилоти ходимлари, балки аҳолининг 18 ёшдан юқори бўлган барча қатлами Тошкент шаҳрида давлат ҳисобидан бепул эмланмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси аъзолари танлов асосида ҳудудларда Давлат бюджетидан шакллантирилган захира маблағлари ҳисобидан бепул эмланиши назарда тутилган аҳоли қатламини эмлаш жараёнларининг ташкил этилишини назорат-таҳлил тартибида ўрганиб чиқди.

Ҳудудлардаги ўрганишларда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар, “темир дафтар”га киритилган аҳоли қатлами, шу билан бирга, шифокорлар, ўқитувчиларнинг бепул эмланиши бўйича олиб борилаётган ишлар устидан депутатлик ва жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Шунингдек, Давлат дастурининг 178-бандида Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, лабораториялар имкониятини кенгайтириш вазифаларини амалга ошириш учун Осиё тараққиёт банки ҳамда Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки маблағлари ҳисобидан 200 миллион АҚШ доллари ажратиш назарда тутилган.

Тадбирда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан ушбу ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши юзасидан депутатларга ахборот берилди.

Қўмита аъзолари тақдим этилган ахборотни маълумот учун қабул қилди. Шу билан бирга, депутатлар амалга ошириладиган лойиҳанинг ҳар бир йўналиши бўйича аниқ манзилли режа-жадвални ишлаб чиқиб, мониторинг тизимини қатъий йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

**Мунисхон КАРИМОВА.**

# САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИККА ДОИР «ЙЎЛ ХАРИТАЛАРИ» ИЖРОСИ ҚАНДАЙ?

*Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг кенгайтирилган мажлисида Германия ҳамда Францияга олий даражадаги ташрифлар якунлари бўйича имзоланган “йўл хариталари”нинг савдо-иқтисодий ва инвестицияларга доир қисмининг ижроси тўғрисида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг ахбороти эшитилди.*

## Эшитув

Таъкидланганидек, Франция билан биргаликда умумий қиймати 3,933 миллиард долларга тенг 34 та, Германия билан эса қарийб 4,8 миллиард долларлик 58 та инвестиция лойиҳаси ва савдо шартномалари амалга оширилиши режа қилинган. Ушбу инвестициялар жалб этилиши мамлакатимизнинг энергетика соҳасини кенг кўламли модернизация қилишда айни муддаодир. Бунда янги энергия ишлаб чиқарувчи қувватларни қуриш, ёқилғи-энергетика саноатига замонавий технологияларни йўналтириш, мавжуд қувватларни модернизация қилиш, ҳудудларнинг транспорт, логистика ва коммунал инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, янги саноат корхоналарини ишга тушириш назарда тутилмоқда.

Эшитув давомида “йўл хариталари”нинг бажарилиш жараёни танқидий таҳлил қилинди, инвестиция лойиҳалари ва экспорт шартномаларини амалга оширишга масъул бўлимлар фаолиятига баҳо берилди.

Жойларда сенаторлар ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан лойиҳаларни ўрганиш, инвесторлар, инвестиция лойиҳалари ҳамда экспорт шартномаларини амалга ошириш учун масъул ташкилотлар ва идоралар билан учрашувлар натижасида инвестиция лойиҳалари бажарилмаётганлиги ҳамда кечикаётгани аниқланди.

Жумладан, Франция билан тузилган “Йўл харитаси”да умумий қиймати 1,3 миллиард долларлик 13 та лойиҳа турли сабабга кўра амалга оширилмаяпти ёки кечикяпти. Бунинг учун Туризм ва спорт вазирлиги, “Миллий банк” АЖ, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, “Ўзтрейд”, Уй-жой коммунал хўжалиги, Қишлоқ хўжалиги вазирликлари, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” АЖ жавобгар ҳисобланади.

Германия билан тузилган “Йўл харитаси”га кўра, умумий қиймати 1,4 миллиард доллардан ортиқ бўлган 24 та лойиҳа ижроси кечикмоқда ёки умуман бажарилмаяпти. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Агробанк” АТБ, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, “Туронбанк” АТБ, Автомобиль йўллари қўмитаси, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ мазкур лойиҳалар ташаббускорларидир.

Ҳар бир лойиҳанинг ўзига хос муаммолари бор, шу билан бирга, “йўл хариталари” ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишига ҳалақит берадиган тизимли тўсиқлар мавжуд. Жумладан, ўрганиш бюрократия ҳолати юқори даражада сақланиб қолаётганини кўрсатди. Бу, жумладан, лойиҳа ҳужжатлари вақтида ишлаб чиқилмаётганлигида яққол намоён бўлмоқда. Ўз навбатида, бу молиялаштириш ва маблағлар ўзлаштирилишининг кечикишига, пировардида ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга кеч топширилишига олиб келмоқда.

Тадбирда, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан назорат етарлича йўлга қўйилмагани таъкидланди.

Мажлис якуни бўйича Сенат қўмитасининг мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чораларни ўз ичига олган қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЕТАКЧИ АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ МУҲИМ

*Кеча “Можароларнинг олдини олиш ва тинчликни мустаҳкамлашда аёллар иштироки ва етакчилигини оширишда глобал ва минтақавий платформалар ва уюшмаларнинг роли” мавзуида онлайн давра суҳбати бўлиб ўтди.*

## Анжуман

Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти доирасидаги мазкур тадбир Олий Мажлис Сенати, БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Марказий Осиёдаги превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ушбу нуфузли анжуманда Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти аъзолари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева, Туркманистон Милли Генгеши Межлиси Раиси Гулшат Маммедова, Қозоғистон Республикаси парламенти Мажлиси Раиси ўринбосари Балаим Кесебаева, Қирғизистон Республикаси Жўғорку Кенеши Торағаси ўринбосари Аида Касималиева, Тожикистон Республикаси Ҳукумати ҳузуридаги Хотин-қизлар ва оила ишлари қўмитаси Раисининг биринчи ўринбосари Нигора Ғаффорзода, шунингдек, БМТ Бош котибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Н. Герман, БМТ Тараққиёт дастурининг Европа ва МДҲ минтақавий бюроси раҳбари М. Споляриҷ-Эггер, Ирландия ҳамда Мексиканинг БМТдаги доимий вакиллари, “БМТ – аёллар” тузилмаси экспертлари, Осиёда ўзаро ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш котибияти, Аёл-медиаторлар глобал альянси котибияти раҳбарлари, Марказий Осиё давлатлари парламентлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари қатнашди.

Давра суҳбати глобал ва минтақавий платформалар ҳамда етакчи аёллар уюшмаларининг ролини, низоларнинг олдини олиш ва тинчликни мустаҳкамлашда аёлларнинг иштироки ҳамда етакчилигини кенгайтириш бўйича халқаро тажрибани ўрганишга бағишланди. Айни чоғда унда БМТнинг “Хотин-қизлар, тинчлик ва хавфсизлик глобал кун тартиби” доирасида Инсонпарварлик ҳаракатлари тўғрисидаги битим ҳамда Тинчлик жараёни аёл-медиаторларининг минтақавий тармоқлари глобал альянси каби халқаро ташаббус ва коалицияларга аъзо бўлиш ҳамда иштирок этиш истиқболлари кенг муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, халқаро ҳамда минтақавий аёллар платформалари ва уюшмаларининг тажрибаси Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти фаолиятини кучайтириш ҳамда минтақадаги низоларнинг олдини олиш ва тинчликни мустаҳкамлаш ишларида аёлларнинг иштирокини кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Тадбирда қўшма баёнот қабул қилиниб, унда Мулоқот фаолиятининг устувор йўналишларидан бири — Марказий Осиё бўйлаб аёлларнинг бунёдкорлик ва тинчликпарварлик салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, минтақада тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш масалаларига алоҳида урғу берилди.

Ўз навбатида, Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқотининг “Хотин-қизлар, тинчлик ва хавфсизлик глобал кун тартиби”, 2030 йилга қадар Барқарор ривожланиш кун тартиби, Глобал мақсадларга эришиш учун ҳаракатлар ўн йиллиги ҳамда БМТ шафелигида ишлаб чиқилган бошқа меъёрий ҳужжатларга содиқлиги алоҳида таъкидланди.

**«Халқ сўзи».**

# «ЁШЛАРГА ДОИР ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ҲЕЧ ОҒИШМАСДАН, ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ»



1

Ёшларнинг жўшқинлиги ва шижоати мамлакат тараққиётида беқиёс куч ҳисобланади. Улар қалбида ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш, келажакка бўлган ишончини ошириш, жамиятда ўз ўрни ва сўзига эга бўлиши учун кенг имконият яратиш азалий миллий анъана ҳамда қадриятларимизнинг умрбоқийлигини таъминлайди, албатта.

Худди шуни назарда тутган ҳолда 2020 йил 12-13 август кунлари Халқаро ёшлар куни муносабати билан “Ёшлар 2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” мавзуида инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми бўлиб ўтганди. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ёшлар масаласини кўтариб, Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни яратиш ва уни қабул қилиш ташаббусини илгари сурган эди. Инсониятнинг барча қатламига тегишли ҳақ-ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи норматив ҳужжатлар қаторида ёшлар билан боғлиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатнинг йўқлиги бунга асосий сабаб бўлди. Шунга кўра, Ўзбекистон Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциянинг лойиҳасини ишлаб чиқди. Бу жараёнда ёшлар масаласига бағишланган жаҳон тажрибаси кенг миқёсда ўрганилди. Конвенция лойиҳасини ишлаб чиқишда бугунги кунда БМТ ҳамда у билан боғлиқ халқаро тузилмалар томонидан ёшлар ва улар сиёсатига оид 30 дан ортиқ универсал ҳамда минтақавий ташкилотлар (Африка Иттифоқи, Америка давлатлари ташкилоти, Европа Кенгаши, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва бошқалар) доирасида 20 дан зиёд халқаро ҳужжатлар эътиборга олинди. Самарқанд форуми ушбу лойиҳанинг энг йирик муҳокамасига бағишланди.

Умуман, ёшлар мавзуси, уларнинг тақдирига, порлоқ келажагини таъминлашга мамлакатимизда давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилади. Зеро, Президент Шавкат Мирзиёевнинг: “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки ушбу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз”, дея айтган сўзлари замирида учинчи Ренессанс пойдеворини қўяётган Ўзбекистон давлатининг эртанги истиқболини таъминлаб берувчи ҳаётбахш ғоя мужассамдир.

**Ойдин АБДУЛЛАЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ҚИЙНОҚЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧИНИ БЕЛГИЛАГАН ҲУЖЖАТ

*“Amnesty International” халқаро ташкилотининг маълумотига кўра, ҳозирги пайтда қийноқлар ва одамларга нисбатан шафқатсиз муомала турлари жаҳоннинг камида 140 та мамлакатида қўлланилиши кузатилмоқда.*

## Нуқтаи назар

Мутахассисларнинг фикрича, қийноқ инсонга узоқ муддатли психологик таъсирга эга бўлган, шахс сифатида йўқ қилишга қаратилган хатти-ҳаракат сифатида баҳоланади. Жароҳат, яраларни шифокор даволайди, бироқ у қийноқ оқибатларини тезда бартараф эта олмайди. Қийноқларни бошдан кечирган инсонлар қалбидаги битмас жароҳат билан узоқ йиллар яшашга мажбур бўлади, чунки бундай иллатни унутиш қийин ва мушкулдир. Ҳаттоки, 30 йил ўтгач ҳам уларга психологик ёрдам керак бўлиши мумкин.

Шу жиҳатдан давлатимиз раҳбарининг 26 июнь куни эълон қилинган “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори нафақат ушбу иллатни барвақт аниқлаш, бартараф этиш, балки қийноқдан жабр кўрган инсонларга ҳар томонлама ёрдам бериш ҳамда уларга етказилган зарарни компенсация қилишга ҳам қаратилганлиги билан аҳамиятли. Шу пайтгача ушбу иллатнинг олдини олиш ва бартараф этишда бу каби махсус ҳужжатлар қабул қилинмаган. Бу эса инсон ҳуқуқлари ҳимояси Ўзбекистон учун муҳим йўналиш эканлигидан яна бир бор дарак беради.

Айтиш жоизки, қийноқ — бу жамият танасидаги жирканч касаллик. Уни даволаш учун, аввало, шаффофлик таъминланиши керак. Чунки айнан шаффофлик қийноқларнинг барвақт олдини олишнинг таъсирчан воситаларидан бири. Қарорда назарда тутилган бир қатор чоралар ҳам шунга қаратилган. Омбудсман ҳузурида Қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳларининг ташкил этилиши шулар жумласидан.

> *“...Қийноқ — бу жамият танасидаги жирканч касаллик. Уни даволаш учун, аввало, шаффофлик таъминланиши керак. Чунки айнан шаффофлик қийноқларнинг барвақт олдини олишнинг таъсирчан воситаларидан бири.”*

Шуниси эътиборлики, дунёнинг кўп давлатлари қамоқда сақлаш ёки мажбурий ушлаб туриш жойларига исталган пайтда бориши мумкин бўлган янги институтлар фаолиятини йўлга қўйди. Жумладан, Россияда бу — жамоатчилик кузатув комиссиялари бўлса, Бразилияда — штатлар даражасидаги қийноқларнинг олдини олиш маҳаллий қўмиталари ҳисобланади, МДҲнинг айрим мамлакатларида эса жамоатчилик мониторинг гуруҳлари фаолият кўрсатади.

Қарорга кўра, Ўзбекистонда Омбудсман экспертлик гуруҳи негизида ташкил этилаётган Жамоатчилик гуруҳлари таркибига Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ экспертлари, тиббиёт ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари жалб қилинади. Бунда уларнинг мониторинг ташрифларини амалга ошириш учун касбий малакаси ва амалий билимларга эга бўлиши ҳамда гендер тенглиги таъминланиши ҳисобга олинади.

Аслида ҳам ушбу гуруҳларнинг аҳамияти катта. Чунки қийноқлар одатда яширилади, улар жамият учун ёпиқ жойларда содир этилади. Жабрланганлар улар дуч келган вазиятлар ҳақида гапиришга қўрқади. Мана шундай вазиятда жамоатчилик гуруҳлари керакли сигнални бериши мумкин.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати борки, унда назарда тутилган чора-тадбирларнинг қонуний асосини таъминлаш белгиланган. Хусусан, қарорнинг 8-бандида Олий Мажлис палаталарига Жамоатчилик гуруҳларини шакллантириш, фаолиятини йўлга қўйиш ва мониторинг ўтказиш тартибини назарда тутувчи қонун ҳужжатларини қабул қилиш топширилган.

Шуни ҳам тушуниш муҳимки, қийноқлар нафақат инсон, балки жамиятга ҳам катта зарар етказади. Қийноқ инсоннинг бутун кейинги ҳаётига соя солар экан, унинг вайрон бўлган умри яқинларини ҳам изтироб чекишга мажбур қилади. Оқибатда кўмак бир эмас, бир нечта инсонга керак бўлади. Айтиш мумкинки, қийноқ оқибатлари бутун жамиятни издан чиқаради. Натижада мамлакат ривожлана олмайди, жамиятда тинчлик ва демократияга эришиб бўлмай қолади. Демак, қийноққа дуч келган инсоннинг шаъни ҳамда қадр-қимматини тиклаш — муҳим вазифа ва у аввало, давлат зиммасига юклатилган.



Шу жиҳатдан қарорда қийноққа солишдан жабрланганларга етказилган зарарнинг компенсация қилинишини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилган. Унга кўра, қийноққа солишдан жабрланган шахсларга етказилган зарарни компенсация қилиш тартибини ишлаб чиқиш белгиланди.

Бу жуда муҳим, зеро, ҳар қандай жабрланувчи қийноқ ёки шафқатсиз муомала учун тезкор, адолатли ва тенг компенсация олиш ҳуқуқига эга. Бунда шафқатсиз муомаладан азият чеккан инсонга бериладиган компенсация ҳар қандай иқтисодий баҳоланиши мумкин бўлган зарарнинг ўрнини қоплаш учун етарли бўлиши лозим. Қолаверса, конпенсация қилиш тартибининг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга киритилиши келгусидаги эҳтимолий қонунбузарликларга нисбатан превентив ва тийиб турувчи таъсирга ҳам эга бўлади.

Албатта, қийноққа солинган шахсларнинг қадр-қимматини тиклаш мақсадида уларга етказилган зарарни ҳар томонлама компенсация қилиш жуда муҳим масала. Шундай бўлса-да, бу иллатни таг-томири билан йўқ қилишда, аввало, превентив, олдини олувчи омилларни кучайтириш янада муҳим аҳамият касб этади. Бунда Жиноят кодексида қийноққа солиш учун жавобгарлик белгиловчи нормаларни БМТнинг Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши конвенцияси талабларига мувофиқлаштириш мақсадида қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчаларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланди.

Бу эса қарорда ушбу иллатни йўқ қилиш бўйича белгиланган энг муҳим устувор вазифа — қийноқларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэътироф этилган принциплари ҳамда нормаларига мувофиқлаштиришга ва уларни муваффақиятли амалга оширишга хизмат қилади.

**Феруза ЭШМАТОВА,**
**Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман).**

## Беш муҳим ташаббус:

# УЛКАН ОРЗУЛАР РЎЁБИ

*Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев дунёнинг энг юксак минбарларидан бири — БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир”, дея миллат давомчиларининг эртаси ёруғ бўлиши давлат сиёсати даражасидаги масала эканига алоҳида урғу берган эди.*

### Ёшлар — Ўзбекистон келажаги



Ёшлик, бу — орзу. Бу — ишонч. Бу — жасоратга интилиш. Бу — келажакка тузилган улкан режалар. Бу — истиқболнинг бошланишидир. Дарҳақиқат, умрнинг муҳим палласи, бу — ёшлик. Шунинг баробарида, жамият келажаги, миллатнинг давомчиси ҳам ёшлардир.

Шу боис Президентимиз юрт раҳбари сифатида фаолиятга киришиши биланоқ ёшларга муносиб шарт-шароитларни яратиш, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш учун кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишга эътибор қаратди. 2016 йил 14 сентябрда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун имзоланди. Шундан сўнг, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам бу масала алоҳида ўз аксини топди. Бир оилада ота-она фарзандини улғайтириб, катта ҳаётда ўзи мустақил оёққа туриб олишига қанчалик шароит яратилса, давлатимиз ҳам ёшларимизнинг ҳар бирига мана шундай эътибор кўрсатмоқда.

Ёшларни касбга йўналтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим ташаббусларга 2019 йилнинг 19 март куни тамал тоши қўйилди. Ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида олиб бориш мақсадида эртамиз эгалари ҳаёти учун муҳим бўлган беш ташаббус илгари сурилиб, ёшларга эътиборни кучайтириш, навқирон авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари кун тартибига қўйилди.

Бинобарин, мазкур ташаббуслар аҳолисининг ярмидан кўпроғи ёшлардан иборат бўлган мамлакатимизда келажак ворисларини ҳар томонлама етук ва баркамол, интеллектуал салоҳиятли, ўз қатъий позициясига эга, амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдор, Ватан келажаги учун қайғурадиган авлод сифатида камолга етказишда айни муддао бўлмоқда.

Ўтган йилнинг охирги чорагида олинган ҳисоботга кўра, биринчи ташаббус йўналиши бўйича юртимизда 800 дан ортиқ маданият марказларида 4 минг 522 та тўгарак фаолияти йўлга қўйилиб, уларга 1 минг 762 та мусиқа жиҳози етказиб берилган. Умумтаълим мактабларида йўлга қўйилган 36 минг 503 та тўгаракка қарийб 1 миллион 100 минг нафар ўғил-қиз мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига кенг жалб қилиниб, истеъдодлар кашф этилмоқда. Адабиёт ҳамда санъатнинг ёпиқ эшиклари очилмоқда. Бу гаплар шунчаки баландпарвоз жумлалар эмас.

Ёшларни мусиқанинг сирли оламига ошно тутиш, уларни ҳақиқий ижод маҳсулини англаш ва қадрлашга ўргатиш, ихтисослаштирилган мусиқа муассасаларида ёш истеъдод соҳибларини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янгидан-янги болалар мусиқа ҳамда санъат мактаблари, бадиий ижодиёт марказлари, маданият кошоналарининг бунёд этилаётгани, уларда ўғил-қизларнинг мусиқа билан эркин шуғулланиши, миллий ва жаҳон санъатининг дурдона намуналаридан баҳраманд бўлиши учун қулай шароитлар яратилаётгани эртамиз эгаларининг эстетик дидини ўстириш, қалбларида юксак фазилатларни камол топтиришга хизмат қилмоқда.

Мусиқанинг инсон руҳий оламини ривожлантиришдаги роли беқиёс. Улуғ аждодимиз Абу Али ибн Сино мусиқа инсон маънавий қиёфасини янада мукаммаллаштиришини таъкидлагани бежиз эмас. Дарҳақиқат, наво жозибасини сўз билан ифодалаш қийин. Мумтоз мусиқаларимиз киши руҳияти, маънавиятига ижобий таъсир ўтказувчи қудратга эга. Улар инсонни эзгуликка даъват этади, тингловчини борлиқ, ҳаётнинг мазмун-моҳиятини англаб етишга, фалсафий мушоҳадага ундайди. Бу турли ахборот хуружлари ҳамда ғайриинсоний маданият унсурлари жамиятга хавф солаётган бугунги глобаллашув даврида жуда муҳим.

Техника-технологиянинг тараққий топиши ҳаётимизга, онгу шууримизга енгил-елпи куй-қўшиқлар, менталитетимизга мос бўлмаган ажнабий тароналарнинг суқилиб киришига имкон яратди. Санъатнинг ҳеч қандай талаб ва мезонларига жавоб бермайдиган “асарлар” ёш тингловчиларнинг эстетик диди ҳамда савияси ўтмаслашишига сабаб бўлаётган бир пайтда, ёшларни болалигидан мусиқага ошно қилиш уларнинг эстетик дидини оширади, ҳар қандай енгил-елпи нарсани ҳам ижод маҳсули сифатида қабул қилмасликка ўргатади. Улар миллий санъатимизнинг ноёб дурдоналарини қадрлай бошлайди, керак бўлса, бетакрор асарларни ўзлари яратишади, ўзбек мусиқа санъати ривожига ҳисса қўшишади.

Тасвирий санъат бўёқлар ёрдамида яратиладиган бадиий асар, воқеликни бадиий тасвирлаш ва талқин қилиш, томошабин фикри ҳамда туйғуларига таъсир этишнинг забардаст воситаси, муҳим ижтимоий мазмун ва ранг-баранг ғоявий вазифаларга эга. Рассом ранг воситасида борлиқ ёки хаёлий дунёни кўринарли шаклларда тасвирлайди. Маконнинг чексизлигини, ундаги нарсаларнинг ранг-баранглигини кўрсатиш билан бирга, инсон руҳиятидаги ўзгаришларни, мураккаб ҳиссий кечинмалар, ўй-хаёлларни акс эттиради.

Бугунги кунда таълим муассасаларида ўқувчилар, талабалар театрга кенг жалб қилинмоқда, шу билан бирга, айрим ёшларнинг ўзлари ҳам турли асарлар асосида саҳна кўринишларида роль ижро этишмоқда. Бу эса истеъдоди бор навқирон авлоднинг яна бир қиррасини юзага чиқаришга turtки бўлади. Бу билан йигит-қизларнинг келажакда актёр ва актриса бўлиши эмас, бу жараёнда ҳам билим олишлари, ҳам катта ҳаётда ўзларига хулоса чиқаришлари учун замин яратилади. Яъни театр ибрат ҳамда маънавият маскани, бошқа санъатларда бўлганидек, халқ ҳаёти, тарихи, дунёқараши акс этиб, жамият тараққиёти, маънавияти, маданияти билан боғлиқ ҳолда ўзгариб, такомиллашиб боради. Театр томошабинларнинг маънавий ва эстетик тарбиясида муҳим ўрин тутади. Унда драматургия, мусиқа, тасвирий санъат, ракс, меъморлик ажралмас бирликни ташкил этади.

Театрнинг муҳим воситаларидан бири саҳна нутқидир. Актёр қаҳрамоннинг пьесадаги сўзларини ўзлаштириб олар экан, қаҳрамон қиёфасида, ҳолатларда туриб, унинг нутқий тавсифини яратади, бошқа персонажлар билан мулоқотга киришади. Мана шундай маҳорат дарсларини мактабданоқ ўзлаштириб, саҳнада роль ижро этган йигит-қиз келажакда бошқа соҳани танласа-да, жамоада ўз фикрини билдириш, нотиқлик санъатига ҳам эга бўлади. Зеро, санъат инсоннинг эзгуликка, ҳақиқатга, комилликка ғайриихтиёрий ҳамда азалий интилишининг энг гўзал, энг қатъий, энг қувончли ва эзгу тимсолига эриштиради. Маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий айтганидек, “Театр, бу — ибратхонадир”. Бугун эса мана шундай юксак туйғу соҳиби бўлган шахслар сафи кўпайиб, истеъдодлар юзага чиқмоқда.

> Ёшларни касбга йўналтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим ташаббусларга 2019 йилнинг 19 март куни тамал тоши қўйилди. Ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида олиб бориш мақсадида эртамиз эгалари ҳаёти учун муҳим бўлган беш ташаббус илгари сурилиб, ёшларга эътиборни кучайтириш, навқирон авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари кун тартибига қўйилди.

Маълумки, иккинчи ташаббус спортга бағишланган бўлиб, бугунги кунда ёшларни жисмоний чиниқтириш ва спорт соҳасидаги қобилиятларини намоён қилиш учун зарур шароитлар яратиб берилмоқда. Жумладан, умумтаълим мактабларида 7 минг 64 та спорт тўгараги ташкил этилган.

Спорт, энг аввало, соғлиқ гарови. Спорт билан шуғулланиш нафақат жисмоний ҳолатни яхшилайди, балки мия учун ҳам фойдали — тез қарорлар қабул қилиш қобилиятини оширади. Жисмоний тарбиядан фойда руҳий саломатликда намоён бўлади: зарарли одатларни тарк этишга ундайди, характерни чиниқтиради, уйқусизликдан, стресс ва ҳатто депрессиядан халос бўлишга ёрдам беради. Шунингдек, у руҳий кучни, чидамлиликни тоблайди. Биргина сувда сузиш спортини олайлик, у бир дақиқада стрессдан халос этади. Сувга тушган инсоннинг бўғимлари илк дақиқаданоқ равон ишлайди. Инсон ҳеч қандай ноқулайлик сезмайди. Бутун танасида енгиллик ҳис этади. Танглик, тиғизлик йўқолади. Бу эса танамизни қанчадан-қанча касалликдан фориғ қилади. Қисқача айтганда, “Соғлом танда — соғлом ақл” — ҳаётий ҳикмат.

Учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ҳамда интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш билан боғлиқ бўлиб, бу борада Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан 52 та рақамли технологиялар ўқув маркази очилган. Умумтаълим мактабларидаги компьютер синфхоналари сони 14 минг 972 та бўлиб, тўгаракларга 510 минг 340 нафар ўқувчи қамраб олинган.

Рақамли технологиялар ўқув марказларининг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун улар зарур технологик воситалар билан жиҳозланмоқда. Маъruzалар заллари ва компьютерлаштирилган ўқув хоналарида телекоммуникация корхоналари ходимларининг малакаси ҳамда янги технологияларни жорий этиш бўйича кўникмаларини ошириш, ёшларга ахборот технологиялари ва электрон тижорат соҳасида инновацион тадбиркорлик асосларини ўргатиш, соҳада стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий ҳамда самарали механизмларини яратиш, компьютер технологиялари, дастурлаш, робототехника ва киберспорт асосларини ўргатиш учун барча шароит яратиб берилмоқда. Мазкур марказларда ўқишларни самарали ташкил этиш мақсадида 14 — 30 ёшдагилар учун дастурлаш асослари, компьютер графикаси, робототехника, веб ҳамда мобиль иловалар яратишга оид жами 19 та фан дастури ишлаб чиқилди. Бугун юртимизнинг ҳар бир ҳудудида фаолияти йўлга қўйилаётган IT-паркларда мана шундай марказларда таълим олган мутахассислар фаолият олиб бориб, юртимиз равнақига ўз ҳиссаларини қўшади.

Тўртинчи ташаббус бу ҳаммамиз учун сув ва ҳаводек зарур бўлган китобхонликни юксалтиришдир. Охирги 4 йил ичида китобга бўлган эътибор юқори даражада ўсди. Буни рақамларда ҳам кўришимиз мумкин. Беш ташаббус доирасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. 2020 йилнинг сўнгги ойидаги ҳолатга кўра, 201 та ахборот-кутубхона марказидаги жами китоблар сони 16 миллион 319 минг 587 тани ташкил этган. Ушбу кутубхоналар аъзоларининг сони 1 миллион 196 минг 233 нафардан иборат. Кутубхоналарга 150 минг 724 та китоб етказиб берилган.

Китобга бўлган эътиборни қанчалик кучайтирсак, шунчалик жамият ижобий маънода ўсиб боради. Китоб — руҳиятимиз озуқаси, у билан дўстлашиш нафақат бизни маънан юксалтиради, балки жаҳонга танитади, эзгуликка етаклайди. Форс-тожик шоири, нақшбандийлик тариқатининг йирик вакили Абдураҳмон Жомий айтганидек, “Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда”.

Ҳақиқатан ҳам, китобдан яхши дўст, маслакдош йўқ. Китоб фикрлаш қуроли, хазиналар калити, тафаккур манбаи бўлгани учун ҳам халқимиз уни нондай азиз, мўътабар ва муқаддас деб ҳисоблайди. Шунинг учун китобга муҳаббат, уни қадрлаш, ўқишга иштиёқ юртдошларимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Атоқли адибимиз Ойбек таърифича, “Китоб — тафаккурнинг толмас қанотларидир”. Шу маънода айтиш мумкинки, китоб — инсоннинг қалб гавҳари, тафаккур хазинасидир.

Беш ташаббус доирасида ёшларнинг мутолаа маданиятини оширишга қаратилган турли танловлар жорий қилинганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Улардан бири “Ёш китобхон” танлови. Жорий йил ҳам ушбу тафаккур беллашувида 300 минг нафарга яқин ёшлар иштирок этди. Ҳар бир ҳудуддан 3 та ёш тоифаси бўйича бир нафардан, жами 42 нафар ғолиб республика финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Танловда ҳар бир ёш тоифаси бўйича 1-ўринга сазовор бўлган ёш китобхонга “Спарк” автомашинаси, 2-ўринга 30 миллион сўм, 3-ўрин учун эса 15 миллион сўмдан пул мукофоти топширилаётгани уларнинг ўқиш ва изланишлари муносиб рағбатлантирилаётганидан далолат.

Бешинчи ташаббус — хотин-қизларни иш билан таъминлаш доирасида ҳам эътиборга лойиқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аёл нафақат она, келажак авлодни дунёга келтириб, тарбиялаб, вояга етказувчи инсон, балки жамият ҳаётида ҳам ўз ўрнига эга шахс сифатида қадрланган мамлакатнинг бахти ҳамиша кулган. Бугунги жамиятимизда юқоридаги фикрлар тўла ўз тасдиғини топиб, аёлларга бўлган эътибор тобора кучайиб бормоқда.

Кейинги тўрт йилда хотин-қизларнинг манфаатларини таъминлаш, жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган 2 та қонун, Президентнинг 6 та Фармон ва қарори қабул қилинди. Эндиликда беш муҳим ташаббус доирасида мунтазам иш олиб борилмоқда. Ўтган йили 76 минг 198 нафар ёш хотин-қиз иш билан таъминланган, 15 минг 935 нафари касб-ҳунарга ўқитилган. Мазкур мақсадлар учун 76,2 миллиард сўм сарфланган. Яна 30 минг 451 нафар хотин-қиз касб-ҳунарга ўқитилиши белгиланган. Аёллар бандлигини таъминлаш, уларнинг турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг барчаси келажакка берилаётган эътибордир.

...Апрель ойининг сўнгги кунларида Жанубий Кореянинг энг таниқли нашрларидан бири — “The Korea Times” ахборот агентлиги Ўзбекистондаги ислоҳотларга бағишланган материал эълон қилди. Унда асосий урғу Президентимизнинг беш муҳим ташаббуси ҳаётга изчил жорий этилаётганига қаратилгани бежиз эмас. Зеро, ана шу ташаббуслар доирасида амалга оширилаётган ишларнинг ёшлар орзулари рўёби, аҳолимиз фаровонлиги учун қанчалик муҳимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Олиб борилаётган ишларнинг ҳаётбахш самаралари ҳақида эса ҳали кўплаб мақолалар, жилд-жилд китоблар ёзиш мумкин...

**Гулнора ИБРАГИМОВА,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети психологи, педагогика фанлари доктори, профессор.**

## ЯНГИЛИКЛАР *хабарлар*
## ТАФСИЛОТЛАР

### «ЁШЛАР КИЧИК САНОАТ ЗОНАСИ» — ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР МАКОНИ

*Андижон туманида ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш мақсадида 6 гектар майдонда “Ёшлар кичик саноат зонаси” ташкил этишга киришилди.*

Қурилиши давом этаётган ҳудуд фойдаланишга топширилгач, 67 та истиқболли лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади.

— Авваллари уйимизда мебель ишлаб чиқариш билан шуғулланардик, — дейди тадбиркор Абдували Эсонов. — Маҳаллабай тизим асосида сектор раҳбари хонадонимизда бўлиб шароитимизни ўргангач, ишлаб чиқариш устахонамизни кенгайтириш бўйича ёрдам беришини айтди. Шу кунгача икки нафар шогирдим билан фаолият юритган бўлсак, “Ёшлар кичик саноат зонаси”га кўчиб ўтиш натижасида яна 6 нафар ёшни ишга қабул қилиш имкони юзага келади.

Айни кунларда ҳудудда 200 га яқин қурувчилар бунёдкорлик ишларида жонбозлик кўрсатмоқда. Ҳудудда яқин истиқболда ёш тадбиркорлар томонидан 17 миллиард 880 миллион сўмлик лойиҳалар асосида текстиль ва мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади. Натижада “ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизлар учун 612 та янги иш ўрни яратилади.

**Саминжон ҲУСАНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

### ГУРЛАНДА ТЕМИР ЙЎЛ ВА ВОКЗАЛ ҚУРИЛИШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

*Жорий йил бошида Хоразм вилоятининг Шовот туманини Қорақалпоғистоннинг Қораўзак тумани билан боғловчи, узунлиги 79 км. бўлган Шовот — Гурлан — Жумуртов — Қипчоқ темир йўли ҳамда Амударё устида узунлиги 413 метр бўлган автомобиль ва темир йўл кўприги қурилиши бошланди.*



Янги кўприкнинг қурилиши Россия ва Қозоғистондан юкларни ташиш масофасини 240 километрга, ташиш вақтини эса 6 соатга қисқартиради. Шундай қилиб, юк ташиш ҳажми икки баравар кўпаяди ва йилига 25 миллион тоннани ташкил этади. Шу билан бир қаторда, Гурлан туманининг мамлакатимизнинг бошқа минтақалари билан темир йўл орқали боғланиши туфайли ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига кенг йўл очилади.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, Гурлан туманидаги Шоликор, Олға, Бирлашган, Дўсимбий қишлоқлари ҳудудларидан ўтувчи Шовот — Гурлан — Амударё темир йўл линиясининг умумий узунлиги 25 километрни ташкил этади.

Айни кунларда Дўсимбий қишлоғининг Тахтакўпир маҳалласи ҳудудида темир йўл излари ётқизиладиган йўлда тупроқ кўтариш ишлари техник талаблар асосида амалга оширияпти. Хизир эли қишлоғидаги Деҳқон маҳалласи ҳудудида эса 50 ўринли темир йўл вокзали бунёд этилмоқда.

Гурлан туманида янги темир йўл линияси ва замонавий вокзал биносининг ишга туширилиши йўловчи ва юк ташиш ҳажмини ошириш, қўшимча иш ўринларини ташкил этиш, ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилади.

**Одилбек ОДАМБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

### «ИШСИЗ, БЎШ ЮРГАНДАН КИМГА НАФ? ҲЕЧ КИМГА»

*Зомин туманида ғалладан бўшаган 3 минг 840 гектар унумдор ер майдони такрорий экин учун фуқароларга ажратиб берилмоқда.*

Бу вақтинча ишсиз, “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларнинг бандлигини таъминлашда қўл келмоқда. Жумладан, 82 гектар ерга сабзавот, 1006 гектарга полиз, 130 гектарга картошка, 1120 гектарга дуккакли экинлар экиш режалаштирилган.

— Менга ажратилган ерга мош ва сабзи экиб, халқимиз дастурхонини тўкин қилмоқчиман, — дейди ана шундай имкониятдан фойдаланаётган ёшлардан бири Жўрабек Сатторов. — Насиб қилса, ушбу ердан унумли фойдаланиб, юқори ҳосил олиб, даромад топишни мўлжаллаяпман. Ишсиз, бўш юргандан кимга наф? Ҳеч кимга. Рўзғоримизни бутлаш учун ота-онамга ёрдам беришни ният қилдим.

Албатта, бундай хайрли тадбирлар минглаб оилаларга қўшимча даромад, фаровонлик келтириши билан ҳам аҳамиятлидир.

**Толибжон ЭРГАШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати девони масъул ходим Мирботир Мирҳамидовга падари бузруквори

**МИРТОҲИР отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

“Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ жамоаси жамият бошқарув раиси Улуғбек Мустафоевга отаси

**Мавлон МУСТАФОЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

# КУЧЛИ РИВОЖЛАНГАН КИНОСАНОАТ — ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

*Бадиий санъат турлари орасида энг ёши ҳисобланса-да, кино ўз жозибаси билан миллионлаб инсонларни ўзига жалб қилишда давом этмоқда. ХХ асрда пайдо бўлган санъат тури дастлаб овозсиз ва рангсиз ҳолатда дунё юзини кўрган. Техник тараққиёт илгарилаган сайин кинода янги жанр ва йўналишлар ривожлана бошлади.*

### Муносабат

Кино, аввало, санъат. Лекин ҳақиқий санъат даражасидаги фильмлар намойишидан миллионлаб даромад кўрилаётгани ва кино орқали анъаналар ҳамда ғоялар тарғиб қилинаётгани ҳам ҳақиқатдир. Етти миллиардга яқин мижози бўлган кино оламида ўзбек кинофильмларининг ҳам ўрни бор, лекин салмоқли эмас. Мутахассислар фикрича, мамлакатимизда фильмлар учун ажратилаётган маблағларнинг миқдори, реал талабни ҳисобга олмасдан белгиланмоқда. Бу эса кино ижодкорларини тўлақонли рағбатлантириш имконини бермайди. Муаллифлик ҳуқуқларининг қатъий ҳимоя қилинмаслиги, киноижара, кинонамойиш хизматларининг ривожланишдан ортда қолгани, техникалар ва декорация билан боғлиқ муаммолар сердаромад соҳа олдидаги баланд тўсиқлардан айримлари, холос.

Президентимизнинг шу йил 7 апрелдаги “Кино санъати ва саноатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонида айни шу ва бошқа кўплаб жиҳатлар пухта таҳлил қилинган, муаммоларнинг аниқ ечим ҳамда механизмлари кўрсатиб ўтилган.

Фармон билан миллий кинематографияни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Ушбу йўналишлар, кино саноатини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини бозор тамойиллари асосида такомиллаштириш, хорижий кинокомпанияларни мамлакатга жалб қилиш, кино саноатини иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи сифатида ривожлантириш, соҳада муаллифлик ҳуқуқининг кафолатли ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ қатор вазифаларни ўз ичига олади.

Фармонга мувофиқ, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги Ўзбекистон кинематографиясини ривожлантириш агентлиги этиб қайта номланмоқда. Агентлик муассислигида Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази ташкил этилмоқда. Марказ фаолиятини йўлга қўйиш учун 2021-2022 йиллар давомида Давлат бюджетидан 100 миллиард сўм миқдорида бир марталик кўмак ажратилиши белгилаб қўйилди.

Фармоннинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, фильм, сериал, ҳужжатли ва хроникал фильмлар ишлаб чиқариш тизими такомиллаштирилмоқда. Бюджет маблағлари ҳисобига фильмлар ишлаб чиқаришда илк бор агентликка ажратиладиган бюджет маблағларининг 50 фоизи инвестиция маблағларини жалб этиш шарти билан фильм ишлаб чиқариш учун йўналтирилади. Эндиликда, давлат буюртмасига асосан ишлаб чиқариладиган ҳар бир фильм учун унинг бадиий-ғоявий мазмунини кўриб чиқувчи 5 нафардан ортиқ бўлмаган таркибда алоҳида маслаҳатчилар гуруҳи ташкил этилади. Сценарий муаллифи ва фильмни ғолиб сценарий асосида тасвирга олувчи кинокомпания алоҳида танлов орқали аниқланади. Шунингдек, давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган фильм харажатлар сметаси аудиторлик ташкилотининг экспертизасидан ўтказилади.

Бундан ташқари, Фармонда актёрларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилиши белгиланди. Амалдаги тарифга асосан бош қаҳрамон ролини ижро этаётган актёр бир тасвирга олиш куни учун 160 минг сўм ҳақ олади. Агар профессионал актёр бошқа бир хусусий фильмда кичик роль ижро этса, реклама роликида суратга тушса ёки дубляжда қатнашса, бундан анча кўпроқ ишлаб олиши мумкин. Буни оддий томошабин ҳам билади. Фильм ижодкорлари ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг гонорарини фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида эркин белгилашга рухсат берилаётганлиги актёр ва актрисаларнинг ишга бўлган муносабатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, миллий сериаллар ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантириш янги босқичга чиқади. Жумладан, эндиликда миллий сериаллар яратиш учун буюртма телеканалларга берилади ва телеканаллар харажатининг бир қисмини қоплаш учун агентлик ҳар йили уларга 12 миллиард сўмдан кам бўлмаган миқдорда субсидия ажратади. Шунингдек, ҳужжатли ва хроникал фильмлар ишлаб чиқариш очиқ танлов асосида ташкил этилади.

Киноасарлар яратишни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳужжатнинг асосий мақсадларидан бирини ташкил этади. Шу боис кинокомпаниялар харажатларининг бир қисмини Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш тартиби жорий этилмоқда.

Бир пайтлар қишлоқларга кўчма киностудиялар бориб турарди. Одамлар тирикчилик ташвишидан чекиниб, таъбир жоиз бўлса, кино оламига ғарқ бўларди. Бугун-чи, бугун ҳам жамоа бўлиб, севимли фильмларни томоша қилишга эҳтиёж борми? Пойтахтдаги кinosаройга келаётган томошабинлар сонидан хулоса қилинадиган бўлса, эҳтиёж бор, албатта.

Фармон асосида Миллий кинематография, кинокомпания ва кинотеатрлар тармоғини янада ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича республика комиссияси ташкил этилмоқда. Кинопрокат тизимини ривожлантириш бўйича қабул қилинган чоралардан келиб чиқиб, 2021 йил 1 июлдан бошлаб савдо майдони 15 минг квадрат метрдан ортиқ янги қуриладиган савдо-кўнгилочар комплексларида жами ўриндиқлар сони 300 тадан ва 4 та кинозалдан кам бўлмаган кинотеатр ташкил этиш мажбурий ҳисобланади.

Боз устига, 2021 йилда “Ипак йўли дурдонаси” номли халқаро кинофестивални ва ҳар йили анъанавий равишда “Олтин Ҳумо” миллий кино тақдимотини ўтказиш, “Кинематография фидокори” кўкрак нишонини ҳамда кино йўналишида таълим олаётган талабалар учун Худойберган Девонов номидаги давлат стипендиясини таъсис этиш каби қатор вазифалар ҳам белгиланган.

Мазкур Фармонда белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этиш мақсадида қабул қилинган давлатимиз раҳбарининг “Кинематография соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳа вакилларининг ижодий фаолияти учун муносиб шароит яратиш тўғрисида”ги қарори ҳам кино санъати ишини юқори босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида айтганда, кино инсон маънавиятини ва маданиятини шакллантиришда, миллий ўзига хослик, анъана ва қадриятларни тарғиб қилишда катта таъсир кучига эга. Шунингдек, кучли ривожланган киносаноат иқтисодиётнинг мустаҳкам таянчларидан бирига айланиши мумкин. Биз учун ҳар икки омил ҳам муҳим. Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган Фармон ва қарор айни шу жиҳатларга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Жаҳонгир АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти, «Эзгу-фильм» киностудияси бош режиссёри, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.**

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи
2021 йил 30 июнь

## Акс садо

*Ёшлар — эртанги кун ворислари. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилиш шу кунгача бу қадар юксак даражада бўлмаган. Бугун неки саъй-ҳаракат амалга оширилаётган экан, барчаси замирида ёшларнинг, истиқбол эгаларининг тақдирига, эртасига улкан хайрихоҳлик мужассам.*

# ЮКСАК МАРРАЛАРГА ИНТИЛАЁТГАН АВЛОД

Мактабгача, ўрта ва ўрта махсус, олий таълимдаги ислоҳотлар, юртимизда очилган нуфузли хориж университетлари филиаллари навқирон авлоднинг орзулари рўёбига хизмат қилмоқда. Узоққа боришнинг кераги йўқ: Андижонда фаолият бошлаган Шарда университети мактаб ўқувчилари орасида “Талабаликка бир қадам” танлови ўтказишни гўзал анъанага айлантирди. Яқинда бўлиб ўтган мазкур танловнинг вилоят босқичида қатнашган ўнлаб ёшлар турли фан йўналишларида ўз иқтидорлари, савия ва билимларини намоён этиб, муддатидан илгари талаба бўлдилар.

Улар орасида Избоскан туманида туғилган Малика Тоҳирова ҳам бор. Келажакка шаҳдам қадам билан бораётган бу қиз кимё фани йўналишида ўз билимини намойиш этиб, 100 балли грант асосида муддатидан аввал мазкур университет талабасига айланди. Малика каби ёшлар эса ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарда бисёр. Спорт соҳасида, мусиқа ҳамда тасвирий санъат, бадиий ижодда ўз ўрнини топаётган йигит-қизлар ҳақида ҳар қанча тўлқинланиб сўзлаш мумкин.

Бироқ ҳаёт мураккаб, беш қўл баробар эмас. Серфарзанд, кам таъминланган оилаларда ўсаётган ўғил-қизлар ҳам ҳаётдан гўзал умидлар кутади. Эртанги кунга ишонч ҳисси билан яшайди. Бу ҳис, айниқса, юқорида таъкидланганидек, кейинги уч-тўрт йилда эътиборталаб дилларда чуқур куртак отди, туп ёйди.

Ҳаёт заҳматларига рўбарў улғаяётган Нурилло оилада боқувчи, синглисига меҳрибон, онасига мададкор. У Андижоннинг чекка ҳудудида яшайди ва ёшлигидан бадиий ижодга қизиқади. Нуриллонинг илк машқлари маҳаллий нашрларда, кейинроқ марказий матбуотда юз кўрсатди. Яқинда унинг ҳаётида қувончли воқеа бўлди: илк китоби “Ижод” жамоат фонди томонидан катта ададда босилди. Биринчи китобини қўлга олганча атрофга мамнунлик ҳисси билан боқиб турган Нурилло каби ёки “Ҳар бир ёшга — бир гектар” лойиҳаси доирасида ерга эга бўлган ёхуд тасодифий адашув туфайли панжара ортига тушиб, афвга кўра озодликка чиққан, тўғри йўлни, оқ-қорани англаб олган ёшларнинг ҳаётга муносабати билан бир қизиқиб кўрсангиз, англайсизки, бу ўзгаришлар нақадар гўзал моҳият, улуғвор аҳамият касб этганини! Юқорида айтганимиз — Нурилло сингари ота меҳридан бебаҳра ўсган ёшлар билан суҳбатлашсангиз, бугун отасизликдан ўксимайди — уларнинг ортида улкан таянч тоғи бор!

Ўзбекистонда 30 июнь — Ёшлар куни сифатида кенг нишонланиши йигит-қизлар қалбини қувончга, ғурур-ифтихорга тўлдирмоқда.

Мамлакатимизда жорий йилнинг номланишидаги ёшларни қўллаб-қувватлашга урғу ҳам олиб борилаётган инсонпарвар сиёсатнинг ойдин тасдиғи эмасми?!

> Кейинги йилларда мактабгача таълимдан олий таълимгача — барча босқичдаги муассасаларда шарт-шароитлар ҳам, муҳит ҳам бутунлай ўзгармоқда. “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ҳаётбахш чақириқ халқимизни болалар тарбиясини назоратга олиш, ўқитувчининг юксак мавқеини тиклаш борасидаги эзгу ишларда янада жипслаштирмоқда. Президентимизнинг қатъий иродаси туфайли миллионлаб ёшлар, муаллимлар мажбурий меҳнат озоридан қутулди. Энди устозларда асосий диққат-эътиборни фақат таълимгагина қаратишга имкон туғилди.

Давлатимиз раҳбари раислигида шу йил 13 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида қатор чора-тадбирлар белгилангани ҳар бир юртдошимиз қалбида яна бир тўлқинни жўшдирди. Йиғилишда фақат эришилаётган ютуқлар билан кифояланмасдан, долзарб муаммоларнинг ўртага ташлангани юртимизда адолат ойнаси тобора тиниқлашиб бораётганидан далолат берди.

Олий таълим муассасалари ректорларига ўзи ишлаётган ҳудуд теварагидаги ёшлар тарбияси билан шуғулланиш белгилангани катта ижобий қадамлардан биридир. Зеро, академик ё профессорнинг ўзи билан суҳбатлашиш учун келганини кўрган ҳар бир онгли ёш авлод вакилида келгусида ўша инсонлардек бўлиш истаги уйғонади. Битта, ўнта, боринг, элликта йигит-қизда шундай тасаввур уйғонса борми, келажакда Ўзбекистонимиз илм-фани, албатта, юксак шараф чўққисининг янги сарҳадларини забт этади.

Видеоселекторда белгиланган масалаларнинг ҳар бири жуда долзарб. Чунончи, олий таълим муассасаси талабалари уюшмаган маҳаллий ёшлар билан ишлаши, улар учун компьютер, спорт тўгараклари ташкил этиш, маданиятга, китобхонликка жалб қилиш кабилар шулар жумласидан. Буларнинг негизида улкан маънавий инвестиция мужассам. Юқори курсларнинг 2 нафар намунали талабаси 1 нафар ёшнинг ижтимоий фаоллигини оширишга ёрдам бериши... Ижарада яшаётган талабаларнинг ижара тўловига ҳукумат кўмаклашиши... Бу — истиқбол деганидир.

Видеомашваратда ёшлар бандлиги ҳақида ҳам гапирилди. Албатта, бу борада муаммолар етарли. Юртбошимиз таъкидлаганидек, энг катта имконият ва захира чиндан ҳам тадбиркорликдир. Эртамиз эгаларини ишбилармонлик соҳасига жалб этиш, уларнинг бу бўйича билимларини ошириш, бизнес вакилларининг ёш мутахассисларни кўпроқ ишга олиши зарурлиги таъкидланди.

Таассуфки, бугун мазкур жараёнда холислик, бағрикенглик етишмайди. Айтайлик, бир тадбиркор корхона очди. Ёшларни ишга қабул қилиши керак. Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, айрим тадбиркорлар фақат ўз қариндоши бўлган ёшларга аҳамият берадию, бошқаларга ўгай кўз билан қарайди. Қани бу ерда ўзбекона бағрикенглик?!

Яна бир гап: очиқ айтганда, биз ҳали “Устоз — шогирд” анъанасини тўла йўлга қўя олганимиз йўқ. Кўпгина соҳаларда катта иш тажрибасига эга мутахассислар ёшларни ўз қаватига олмайди. Шу боис “Устоз — шогирд” анъанаси асосида фаолият юритаётган мутахассисларни рағбатлантириш бўйича аниқ чоралар кўрилиши зарур, назаримизда.

Халқимизда “Янги кўзанинг суви ширин бўлади”, деган нақл бор. Ёш авлод янгича фикрлайди. Янгича фикрлайдиган авлод эса муқаррар равишда, юртни истиқболга элтади.

Юртбошимиз томонидан ёшлар камолотини ўйлаб амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар келажагимиз ворислари руҳини янада кўтариб, уларни эл-юрт тақдирига куйиниб яшашга, баланд марраларга интилишга рағбатлантиради.

**Икромжон МАНСУРОВ.**
Андижон вилояти

# БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ХАЛҚЛАРИНИНГ МАДАНИЙ ВА АДАБИЙ МЕРОСИ – ДУНЁ ЁШЛАРИ НИГОҲИДА

*Буюк Ипак йўли Шарқ ва Ғарб ўртасидаги қадимги савдо-сотиқ, тижорат, дипломатик ҳамда илмий-маданий алоқаларни боғлашга хизмат қилган. Бу йўл Хитойдаги Хуанхе дарёсининг ўрта оқимида жойлашган Сиан шаҳридан бошланиб, икки тармоққа бўлинган.*

*Биринчи тармоғи шимоли-ғарбий Буюк Ипак йўли деб, иккинчи тармоғи эса жануби-ғарбий Буюк Ипак йўли деб номланган. Шимоли-ғарбий тармоқ Қашқар, Фарғона орқали ўтиб Самарқандгача келган. Бу ерда Буюк Ипак йўли яна иккига бўлинган.*

## Танлов

Бири Марв, Бағдод ва Миср орқали Ўрта ер денгизигача борган. Иккинчиси Бухоро ҳамда Хоразмга йўналган ва Хоразмда иккига бўлинган: бири — Оролнинг шарқидан Сибирь турклари юртигача, иккинчиси — Каспий денгизи шимоли-шарқий қисми орқали Кавказ, Қрим, Қора денгиз йўли билан Европага борган. Жануби-ғарбий Буюк Ипак йўли эса Хўтан, Ёркент, Помир — Тяньшань тизмалари орқали ўтиб Балхга борган. Балхда жанубий йўл иккига ажралиб, бири — Ҳиндистонга, иккинчиси — ғарбга йўналган ва Марвда шимолий йўл билан туташиб Дамашққача, ундан эса Қуддус ҳамда Мисрга йўналган.

Буюк Ипак йўли жуда кўплаб мамлакатлар ҳудудидан ўтганлиги сабабли унинг асосий йўналишларини қўлга киритиш ёки қўлда сақлаб қолиш ўша даврларда турли урушлар ва тўқнашувларнинг бош сабаби бўлиб қолган. Бироқ бу Буюк Ипак йўлининг жаҳон маданияти ҳамда тарихидаги ўрнини асло камайтирмайди, чунки Буюк Ипак йўли Шарқ халқларини кенг савдо-сотиққа тортиб, иқтисодиётини юксак даражада кўтарган.

Бу тарихий маълумотларни эслатишдан асосий мақсад — бугун ривожланаётган давлатларнинг, хусусан, Ўзбекистон ҳудудининг тараққиётида бу йўлнинг аҳамиятини очиб бериш билан бирга, ёш авлоднинг тарихимизга қизиқишини янада оширишдир.

Буюк Ипак йўли нафақат савдо-сотиқ йўли эди, балки у орқали халқлар ва миллатларнинг бирлашуви, қардошлик алоқалари, маданий ҳамда маънавий қадриятлар алмашинуви, илм-фан ютуқлари ва турли маърифатпарвар ғояларнинг жаҳон бўйлаб тарқалиши жараёнлари амалга ошган.

Кўриниб турибдики, Буюк Ипак йўлининг минтақалараро иқтисодий тараққиётга қўшган ҳиссаси билан бир қаторда маданий-маърифий аҳамияти ҳам улкандир.

Бугун ёшларни тарбиялашда, мамлакатимиз салоҳиятини дунёга танитишда тарихни ўрганишнинг ўрни катта. Шу боис жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси, Ўзбекистон талабалар ассоциацияси жамоат бирлашмаси, Самарқанд давлат университети ҳамкорлигида **“Буюк Ипак йўли халқлари маданий-адабий мероси”** лойиҳаси доирасида инглиз, рус ва ўзбек тилларида иншо (эссе)лар танлови эълон қилинди.

Ушбу танловни ташкил этишдан асосий мақсад, Буюк Ипак йўлида жойлашган университетлар талабаларининг тарихий магистраль ўтган давлатларда яшовчи халқлар, уларнинг моддий ва номоддий бойликлари, туризм ҳамда дипломатик муносабатлар тарихи, қўшничилик алоқалари ва қадриятлари тўғрисида хабардорлиги ҳамда дунёқарашини оширишдан иборат эди.

Танлов шартлари 20 дан ортиқ давлатларга етказилди.

**Буюк Ипак йўли халқларининг маданий ҳамда адабий меросини ёритувчи иншолар танлови қуйидаги 11 та ва шу соҳага оид эркин мавзуларда ўтказилди.**

- Буюк Ипак йўли — жаҳон тарихи ва маданиятидаги феномен ҳодиса;
- Буюк Ипак йўли маданий мероси;
- Буюк Ипак йўли — маданиятлараро алоқа йўли;
- Ипак йўли мероси — ижтимоий бирдамлик асоси;
- Ипак йўли — ҳудудий ва халқаро ҳамкорлик йўли;
- Ипак йўли — номоддий маданий мероснинг кўзгуси сифатида;
- Ипак йўли мероси йўлаклари — дунё тамаддунининг ришталари сифатида;
- Ипак йўли маданий меросини ҳимоя қилиш жаҳон афкор аҳлининг бурчидир;
- Инсоният номоддий маданий меросининг Ипак йўлидаги ҳаракати;
- Буюк Ипак йўли — маданий мероснинг “Йўл харитаси” сифатида;
- Ипак йўли — умумжаҳон моддий маданий мероси магистрали.

Танловда 18 давлатнинг Ипак йўли ассоциациясига кирган университетлари талабалари иштирок этишди. 3 — 5 саҳифалик мақолалар 2021 йилнинг 20 майига қадар қабул қилинди. Танлов ташкилотчиларига Буюк Ипак йўлида жойлашган турли давлатларнинг университетларидан 1 минг 42 та иншо келиб тушди.

Тақдим этилган ижодий ишлар Самарқанд давлат университетининг инглиз тили бўйича катта тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчилари ҳамда тилшуносларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан мазмун, имло ва оригиналлик кўрсаткичлари бўйича саралаб чиқилди ҳамда баҳоланди. Натижада 61 иншо муаллифи ғолиб деб топилди.

Жорий йилнинг июль ойида танловда биринчи ўринни эгаллаган 10 та давлатдан (Япония, Франция, Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Италия, Россия ва бошқалар) 11 нафар талабани Самарқанд давлат университетининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 2021 йилнинг сентябрь ойида Самарқандга саёҳат йўлланмаси билан тақдирлаш режалаштирилди.

Иккинчи ўринни эгаллаган иншолар муаллифлари Самарқанд давлат университетида 2021/2022 ўқув йилининг кузги ва баҳорги семестрларида бепул таҳсил олиш имкониятига эга бўлади.

Учинчи ўрин соҳиби бўлган 10 нафар ўзбекистонлик талаба Самарқанд давлат университетида ёзги курсларда қатнашиш учун грант ва китоблар тўплами билан тақдирланади.

Танлов қатнашчилари ўз ишларида нафақат Буюк Ипак йўли тарихи ва аҳамияти ҳақида фикр билдиришган, балки ушбу қадимий магистраль чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон ҳамда Самарқанд ҳақида ҳам мулоҳазаларини баён қилишган.

Жумладан, Италиянинг Павиа университети талабаси Пампалони Гуидо ўз иншосида шундай ёзади: *“Буюк Ипак йўли бўйлаб кўплаб карвонсаройлар, шаҳарлар барпо этилди. Бу йўлдан бораётган савдогарлар кўпинча йўлнинг охиригача бормас эди. Ўрта Осиё вилоятлари бу йўлнинг ўртасида жойлашганлиги сабабли савдогарлар Хоразм, Самарқанд, Термиз ва бошқа ҳудудларда ўз молларини сотиб, маҳаллий маҳсулотларни харид қилардилар. Ўрта асрлар Ўрта Осиё бозорларида четдан келтирилган кўплаб маҳсулотлар мавжуд эдики, ҳозирги кунда Ипак йўли устидаги кўҳна шаҳарлар ва манзилгоҳлардаги археологик қазишмалар натижасида топилаётган топилмалар фикримизнинг далилидир”.*

Жанубий Кореянинг Гйеонгжу университети талабаси Тае Хван Ким Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўлидаги тарихий ўрнига таъриф бериб, *“Буюк Ипак йўли шу давр ичида Шарқ ва Ғарб халқларининг кенг миқёсдаги ўзаро маданий ҳамда иқтисодий алоқалари тарихида катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзаро ҳамкорлик, алмашинув ва маданиятларнинг бойиб бориши тинчлик ва тараққиёт учун асос бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистон ҳудудлари бу йўлнинг чорраҳасида жойлашган бўлиб, бу ерга турли мамлакатлардан савдогарлар, ҳунармандлар, олимлар ва меъморлар ташриф буюрган”*, дея эътироф этади.

Хитойнинг Шаанхи нормал университети талабаси Бабар Наваз Аббаси Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўлини тиклашга қаратаётган эътиборини ҳам ўз иншосида четда қолдирмаган. У Ўзбекистонда Буюк Ипак йўлини тиклашга катта аҳамият қаратилаётганлигини алоҳида таъкидлаган.

Саудия Арабистонининг Қирол Фаҳд университети талабаси Башир Ҳакими ўз ишида Буюк Ипак йўли бўйича БМТнинг Ўзбекистонда ўтказилаётган семинарларига жуда катта қизиқиш билдирган. Ва ўзининг мақоласида Самарқанд ҳамда Бухорода ўтказилган илмий анжуманларнинг ўрнини алоҳида қайд этган.

Танловга тақдим қилинган ишлар таҳлилига кўра айтиш мумкинки, дунё мамлакатлари талабалари Ўзбекистон, хусусан, Самарқанд шаҳрига катта қизиқиш билдиради. Жумладан, уларнинг ёзишича, ушбу иншолар танлови туфайли улар Буюк Ипак йўли ҳақида, жумладан, ушбу йўлнинг гуллаб-яшнаган даврида Самарқанд ва унинг улуғворлиги ҳақида кўп нарсаларни билиб олишга муваффақ бўлишган.

**Иншолар танловида Гран-При — сентябрь ойида Самарқандга саёҳат йўлланмасини қўлга киритган талабалар рўйхати:**



**1. Фонтаине Берни** — Эколе нормал университети талабаси, Франция.



**2. Тае Хван Ким** — Гйеонгжу университети талабаси, Корея Республикаси.



**3. Муҳиддинов Фариддунхон** — Тожикистон политехника институти талабаси, Тожикистон.



**4. Мирадов Шукургелди** — Туркман давлат университети талабаси, Туркманистон.



**5. Алакбаров Мурад** — Озарбайжон Диллер университети талабаси, Озарбайжон.



**6. Башир Ҳакими** — Қирол Фаҳд университети талабаси, Саудия Арабистони.



**7. Пампалони Гуидо** — Павиа университети талабаси, Италия.



**8. Иссаев Аязхан** — Евроосиё миллий университети талабаси, Қозоғистон.



**9. Бабар Наваз Аббаси** — Шаанхи нормал университети талабаси, Хитой.



**10. Миронова Екатерина** — Байкаль давлат университети талабаси, Россия Федерацияси.



**11. Бао Руи** — Янцзи университети талабаси, Хитой.

**«Халқ сўзи».**

## «Таҳсин – 2021»:
# ИҚТИДОРЛИ ВА ТАШАББУСКОР ЁШЛАРГА РАҒБАТ

*Пойтахтимизда Ёшлар ишлари агентлиги томонидан “Ёшлар ойлиги” доирасида “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида юртимизнинг энг илғор йигит-қизларини “Таҳсин — 2021” миллий мукофоти билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

Тадбирда сўз олганлар юртимизда билимли ва истеъдодли йигит-қизларни аниқлаш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, қобилиятларини юзага чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

“Таҳсин” миллий мукофоти ҳам илм-фан, спорт, халқаро алоқаларни йўлга қўйиш, маданият, инновациялар, тиббиёт каби йўналишларда Ўзбекистон тараққиётига ҳисса қўшаётган, ўз соҳасида муваффақиятга эришган, етакчилик қобилиятига эга ижтимоий фаол, ижодкор ва ташаббускор ёшларни рағбатлантиришга ҳисса қўшмоқда.

Тадбирда таҳсинга сазовор иқтидорли ёшларга мукофот топширилди.

Янграган куй-қўшиқлар йиғилганларга хушкайфият бахш этди.

**«Халқ сўзи».**



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 648. 24 989 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 01.40 1 2 3 4 5 6